

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ФИЛАЛИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 004.41

С. КАРИМОВ

**“Электрон пул ўтказмалари тизимини қиёсий
тахлили ва глобал тармоқ учун дастурий
таъминотини яратиш”**

**5А 330201 - Компьютер тизимлари ва уларнинг
дастурий таъминоти (тармоқлар бўйича)**

Магистр

**академик даражасини олиш учун
ёзилган диссертация**

**Илмий раҳбар
т.ф.н., Ҳолмурзаев А.А.**

ФАРҒОНА - 2014

АННОТАЦИЯ

Ушбу диссертация ишида электрон пул ўтказмалари тизимини ишлаш жараёнини, бу тизим учун яратилган дастурий таъминотни афзаллиги ва камчиликларини ўрганиб чиқиб унга қиёсий дастурий таъминот яратишда ахборотни хавфсизлик муаммоларини самарали ҳимоялаш тизимларини яратиш имкониятини берувчи, замонавий график кўринишга олиб келиш, фойдаланувчи ва почта алоқа тармоқларидаги маъсул ходимларни ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш ва модернизациялаш қулайлигини таъминловчи дастурий таъминотни яратиш, самарадорлигини ошириш масалалари ечимларига қаратилган муаммоларни таҳлил қилиб уларни бартараф этиш учун қаратилган. Ишининг илмий-амалий аҳамияти яратилган дастурий таъминотни бир қанча web дастурлаш тилларида амалга ошириш мумкинлиги ва олдинги дастурий таъминот билан қиёслаш. Шунингдек яратилган дастурий таъминот Ўзбекистон Республикасининг барча қонун-қоидаларига тўғри келиб, юртимизнинг барча почта алоқа тармоқларида иш олиб боришини ташкил қилади. Бу дастурий таъминотни ишлатишда мен ундан фойдаланиши учун техник хавфсизлик қоидаларини қўлланма асосида яратдим. Чунки электрон пул ўтказмаси тизимининг дастурий таъминоти олдинги ишлатилган дастурий таъминотга қиёсий яъни қўшимча функциялар ва қулайликлар асосида ишлайди.

ANNOTATION

This dissertation about working reading of electronic moneys, for this sphere invention optimum vantage and scrutiny and to create device, to protection information modern graph, between consumer and worker of mail to improve knowledge of worker and to scrutiny to solve problem. To scrutiny scientific – practical sight of work for to decision problems which connected with security of information. Invent it's plan suitable of all laws Uzbekistan Republic, and this invention to creature of all mail posts. For launching this plans enough knowledge of worker. Because its plan rending electronic money working with regard to oldest rules but have more modernization and convenience.

Мундарижа:

Кириш	4
I-боб. Ўзбекистон почта тизимларида олиб борилаётган ишларнинг тахлили	6
1. Ўзбекистонда АКТ ни ривожланиши.....	7
2. АКТ ни ҳозирги кунда ҳар-хил соҳаларда қўлланилиши	20
II-боб. Электрон пул тизимини лойихалаш	27
1. Электрон пул ўтказмаларини Ўзбекистонга кириб келиши ва ривожланиши.....	29
2. Электрон пул ўтказмаларини ҳозирги кунда имкониятлари ва афзалликлари.....	38
III-боб. Ахборот технологиялари ва компьютер коммуникатция тизимларини барча соҳаларда қўллаш ва ривожлантириш	66
1. Электрон пул ўтказмалари тизимининг дастурий таъминотини яратилиши	69
2. Электрон пул ўтказмаларда техник хавфсизлик ва ишни ташкил қилиш.....	73
Хулоса	89
Фойдаланган адабиётлар рўйхати	91
Илова	95

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Хозирги кунда бутун дунёда иқтисодий муаммолар жуда кўп учрамоқда. Айниқса ХХІ асрнинг бошидан бошлаб иқтисодий муаммолар, мамлакатлар ўртасидаги валюта алмашинувининг кескин камайиши ва бунинг таъсирида мамлакат иқтисодиётини зарарланиши шу муаммоларга мисол бўла олади. Электрон пул ўтказмалари тизимини Ўзбекистон шароитида ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини ўсишига олиб келади. Шундан кўриниб турибдики иқтисодиётни яъни валюта алмашиниши назорат қилиш энг муҳим ва долзарб мавзулардан бирига айланган.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон почтаси ОАЖ Фарғона филиалида электрон пул ўтказмалари тизимини назорат қилиш, камчиликларни таҳлил қилиш ва қўшимча қулайликларни лойиҳалаш.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистон почтаси ОАЖ Фарғона филиалида электрон пул ўтказмалари тизимида иш олиб бораётган почта алоқа тармоқлари, дастурий таъминотнинг оддийлиги ва қулайликларни камлиги.

Тадқиқот мақсади. Ушбу магистрлик диссертация ишининг асосий мақсади шундаки хозиргача мавжуд электрон пул ўтказмалари дастурий таъминотини янгича услубда яратиш яъни бартараф этилмаган камчиликларига ечим топиб, бу тизимда ишлайдиган почта ходими ва фойдаланувчи ўртасидаги мулоқотни яхшилаш ва такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Электрон пул ўтказмалари тизимида оид илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш.
2. Электрон пул ўтказмалари тизими учун содда дастурий таъминотни яратиш ва лойиҳалаш.
3. Почта тизимида иш фоалияти олиб бораётган ходимлар учун электрон пул ўтказмалари тизимида ишлаш учун услубий қўлланма ишлаб чиқиш.

4. Ярвтилган дастурий таъминот ёрдамида электрон пул ўтказмалари тизимини хавфсизлигини янада яхшилаш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Почта тизимида ҳам электрон пул ўтказмаларини ривожлантириш ва бошқа ташкилотларга нисбатан рақобатбардош қилиш мумкин, агар:

- Яратилган дастурий таъминот замонавий, хавфсиз ва қулай бўлса.
- Эски дастурий таъминотга қиёсий ва талаб жарасиги мос равишда дастур яратилиб, ҳозирги кундаги талаб-таклиф ўрганиб чиқилса.
- Бошқа ташкилотларга нисбатан почта алоқа шаҳобчаларида ахборот-коммуникация технологияларини замонавийлаштирилса.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар рўйхати: Президентимиз Ислон Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори, давлат қонунлари, Бегимқулов У.Ш[9] ва Аширова А.И[15] лар почта тизимини замонавийлойтихалаш ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг[34] 2005 йил 19 майдаги 128-сонли қарорида почта тизимини яъни алоқа шаҳобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларни янги турини жорий этишни ташкиллаши электрон почта тизимини янада риқожланишига олиб келди.

Тадқиқот методлари. Ҳозирги кунда ҳар бир банк ва почта тизими электрон пул ўтказмаларини янада ривожлантиришга ҳаракат қилишмоқда. Тадқиқот мобайнида почта алоқа тармоғи орқали Электрон пул ўтказмаларини амалга ошириш қанчалик қулай ва бошқа ташкилотларга нисбатан рақобатбардош, замонавий ва бошқа тизимларга нисбатан автоматлаштирилган методлар тавсия этилади ва қўлланилади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий ахамияти. Магистирлик диссертациянинг илмий ахамияти ҳаётимизга кириб келаётган электрон пул

тизмини янада автоматлаштириш. Амалий жихатдан шу соҳа вакилларига янада қулайликлар яратиш.

Ишнинг илмий янгилиги. Ўзбекистон почтаси ОАЖ Фарғона филиалида электрон пул ўтказмалари дастурий таъминотининг оддийлиги, лойиҳалаштирилмагани, ходимлар учун бир қанча ноқулайликлар келтириб чиқарадиган қоғоз маҳсулотларини ишлатилиши ва шу кунгача юқоридаги ишларни автоматлаштирилмагани ишимизнинг илмий янгилиги ҳисобланади. Бу дастурий таъминотни бар неча web дастурлаш тилларида амалга ошириш мумкин яъни C++Builder, Denver, JavaScript ва HTML тилларида.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Биринчи бобда Ўзбекистонда АКТ ни ривожланиши, адабиётлар таҳлили ва АКТ ни ҳар хил соҳаларда қўлланилиши келтирилган.

Иккинчи боб электрон пул ўтказмалари тизимини лойиҳалаш, электрон пул ўтказмалари тизимини мамлакатимизга кириб келиши, муаммолар ва почта ходимларига электрон пул ўтказмаси тизимининг имкониятлари кўрсатилган ва таклифлар олинган.

Учинчи бобда электрон пул ўтказмалари тизимида ишлаш жараёнида ходимларнинг техник хавфсизликка риоя қилиши ва бу дастурда ишлаш қўлланмасини ишлаб чиқилган.

Иловада бажарилган ишни амалий оммалаштириш ҳақидаги буйруқлар ва мавзу юзасидан эълон қилинган илмий мақолалар келтирилган.

I-БОБ. Адабиётлар шарҳи ва таҳлили.

Ушбу илмий-тадқиқот ишини ёритиш учун жами 71 та адабиётлар манбаидан фойдаланилган бўлиб, жумладан 59 та адабиёт ва ўқув қўлланмалар, 12 та интернет илова ресурсларидан фойдаланилган.

Адабиётларнинг 8 таси президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг асарлари бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида ва Ҳукуматининг қарор ҳамда буйруқларида мамлакатни компьютерлаштириш, ахборотлаштириш, банк, савдо-сотик ва бошқа қатор соҳаларда электрон маълумотнинг муҳофазасини кафолатли шартларини муҳим жиҳатларини ва йўналишларини очиш жараёнида фойдаланилди. Шунингдек кириш ва хулосавий қисмда президентимизнинг аниқ ва устивор қилиб белгилаб берган фикр ва мулоҳазаларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларидан 4 тасидан фойдаланилган бўлиб, улардан ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўллари ҳамда ҳуқуқий ва ташкилий таъминоти ҳамда уларнинг меъёрий талабларини ёритишда асос сифатида фойдаланилди.

2 та адабиёт диссертация мавзусига оид чоп этилган мақолалар. Мақолалар Тошкент Ахборот технологияри ва Фарғона Давлат университетларида бўлиб ўтган конференция ва илмий-семинарларда чоп этилган.

45 та адабиёт ва ўқув қўлланмалардан диссертациянинг асосий моҳиятини очиб беришда, яъни, электрон тижорат ва уларни келиб чиқиш асослари, ахборотни ҳимоялаш усуллари, индентификация ва аутентификация, электрон пул ва уларнинг келиб чиқиши, ривожланиши каби ишнинг асосий қисмларини ёртишда фойдаланилди.

12 интернет ресурсларидан электрон тижорат ва электрон пул тизимининг келиб чиқиши ва муаммолари бўйича JavaScript, CSS, Denver, C++Builder ва HTML дастурлаш тилларида яратилган дастурий таъминотларни кўриб чиқиш ва уларни таҳлил қилиб ўрганиб чиқилди.

1. Ўзбекистонда АКТ ни ривожланиши

Ҳозирги пайтда бутун дунёда АКТ ни ривожлантириш ва оммалаштириш билан боғлиқ бўлган устуворликларнинг ахамиятини англаш кучайиб бормоқда. Уларнинг инқилобий таъсири давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, иқтисодий ва ижтимоий соҳа, илм-фан ва таълим, маданият ва одамларнинг турмуш тарзида кузатилади. Улар одамларга ўз салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради, барқарор иқтисодий ўсиш, фаровонлик даражасини ошириш, демократия, тинчлик ва барқарорликни мустахкамлаш мақсадларига эришишга ёрдам беради.

Ушбу стратегияни амалга ошириш мақсадида бир қатор қонунчилик ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли фармонида биноан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш масалалари белгиланган, компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация ташкил этилган, божхона ва солиқ имтиёзлари, тадбиркорликни рағбатлантириш чоралари белгиланди[12].

2007 йил сентябр ҳолатига кўра Ўзбекистон АКТни ривожлантиришга йўналтирилган бир неча миллий дастур ишлаб чиқилган ва қабул қилинди.

“2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш бўйича миллий дастур” – унинг мақсади маълумотлар узатишнинг рақамли тизимлари ва рақамли коммутация жихозлари асосида миллий телекоммуникация тармоғини яратиш орқали жаҳон телекоммуникация тизимига чуқур кириб бориш, иқтисодиёт ва аҳолининг алоқа хизматларига бўлган эҳтиёжларини ҳар томонлама қондиришдан иборат[66].

“1999-2003 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси маълумотлар узатиш миллий тармоғини модернизациялаш ва ривожлантириш дастури”, бу ҳужжат 1999-2003 йилгача бўлган даврда

миллий МУТни модернизациялаш ва ривожлантиришнинг асосий ташкилий-техник чора-тадбирларини белгилаб беради[10].

“2002-2010 йиллар мобайнида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастури” – ушбу хужжат жамиятининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги рақобат бардошлилини кучайтиришга йўналтирилган.

Берилган мақсадларга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутулади:

- телекоммуникацияларнинг замонавий техник инфратузилмасини ва тармоқларнинг рақамлаштиришини жадал ривожлантириш, ҳаракатланувчан алоқа тармоқларини ривожлантириш;

- Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш; - компьютерлаштириш, мамлакат саноати ва дастурий маҳсулотлар экспортини ривожлантиришни рағбатлантириш учун шарт-шароит яратиш;

- АКТ соҳасида юқори малакали кадрлар салоҳиятини тайёрлаш;

- АКТ соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш; -меъёрий ҳуқуқий база, стандартлаштириш ва сертификациялашни янада такомиллаштириш.

- АКТни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117 сонли “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори билан қуйидагилар тасдиқланди:

- 2010 йилгача телекоммуникация тармоқлари, маълумотларни узатиш ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни ривожлантиришнинг мақсадли йўналишлари;

- 2010 йилгача давлат бошқарув органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш дастури;


- Миллий ахборот-қидириш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш дастури.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот – коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ижроси натижасида солиқ идораларида ахборот-коммуникация технологиялари асосида замонавий бошқарув ахборот-таҳлил ишларини ташкил қилиш, солиқ тўловчиларга интернет фаол хизматлар кўрсатиш борасида катта ислохотлар амалга оширилганлиги мамнунлик уйғотади.

Бошқарув жараёнларининг устун даражада ахборот тусида эканлиги корпорацияларда ва давлат органларида менежмент учун умумий хисобланади. Тегишли равишда белгиланган жараёнлар ҳам жиддий фарқ қилади. Жумладан, бизнес билан ўзаро муносабатда буюртмачи кўпинча алоқанинг ягона нуқтасига эга бўлади, унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча ички муаммолар ички тартиб-қоидаларга мувофиқ бизнеснинг ичида хал этилади. Фуқороларнинг (ёки бизнеснинг) давлат билин ўзаро муносабатларининг “классик” схемасида одатда барчаси аксинча юз беради – кўплаб алоқа нуқталари мавжуд бўлади, давлат томонидан белгиланган тегишли тартиб-қоидаларни бажариш эса кўпинча “бюртмачи” нинг мажбурияти хисобланади. Умуман олганда оддий гранзакцияларни – мулкчилик ҳуқуқини расмийлаштириш ёки буни рўйхатдан ўтказиш ва ҳақозаларни бажариш учун қанча маълумотнома ва ҳужжатлар тўплаш ва уларни бир ташкилотдан бошқасига олиб бориш зарурлигини барча билади.

Бунда кўпинча транзакционлик принципи бузилади, натижада хар-хил идоралардаги маълумотларнинг яхлитлиги ва бир-бирига зид эмаслигига

1.1. АКТ тизимнинг ривожланиши



хеч қачон ишонч ҳосил қилиш мумкин эмас. АКТ тизимларини давлат бошқарувида самарали жорий этиш учун давлат бошқарувининг ички идоравий йўналтирилганлигидан фуқороларнинг эҳтиёжларига йўналтирилганликка ўтиш зарур.

Мавжуд самарасиз тартиб-қоидаларни автоматлаштиришга уриниш нихоятда хавфлидир. Электрон корпарация билан давлат бошқарувида АКТ ни жорий этиш ўртасидаги ўхшашликка монанд қилиб айтадиган бўлсак корпаратив ахборот тизимлари бўйича барча мутахассисларга маълум бўлган бир фактни келтирса бўлади: ахборот технологияларни жорий этилишда умуман корпорациянинг фаолияти самарадорлигини оширишга фақат бир вақтнинг ўзида автоматлаштирилаётган корxonанинг бизнес жараёнлари амалга ошириш билангина эришилади. Ахборотлаштириш бизнес-жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш схемаси бўйича корxonанинг сифат жихатдан янги ҳолатига олиб келади.

Бу давлатни автоматлаштириш (ва самарадорлигини ошириш) учун ҳам зарурдир. Буни ҳозирнинг ўзидаёқ кўплаб давлатларда англаб етишмоқда. АКТ тизимларини жорий этишда давлат бошқарув жараёнларини оптималлаштирилиши зарур бўлади.

Бу нима учун зарурлигини оддий мисолда ҳам кўрсатиш мумкин. Яшаш жойи ўзгарган тақдирда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш учун хар иккала (олдинги ва янги) яшаш жойидаги паспорт столига икки марта бориш зарур бўлади. Яъни ноқулай иш вақтида хар хил идораларга тўрт марта бориш, навбатда туриш керак бўлади. Хатто Интернет орқали ушбу идораларга кириш имконияти таъминланса ҳам барибир ушбу тўрт операцияни бажаришга тўғри келади. Тегишли ахборот технологиялари жорий этилгандан кейин фуқаро ўз манзилени ўзгарганлигини рўйхатдан ўтказиш учун фақат “бир дарча” га мурожат қилиш етарлигига эришиш ушбу масалада оптималлаштиришнинг натижаси бўлиши керак.

Яъни бутун ахборот айирбошлашини фуқоронинг иштрокисиз автоматлаштирилган тарзда бажарилиши, янада яхшиси, бутун ахборотнинг умумий маълумотлар базасида бирлаштирилиши имконияти таъминланиши керак. Сўнгги холат фуқоролар хисобини олиб бориш самарадорлигини анча оширувчи анча асосли қарордек туюлади, чунки зарур бўлмаган ва бир-бирини такрорловчи идораларни тугатиш хисобига кўплаб маблағларни тежаб қолиш имконини беради. Шу билан бирга, иқтисодий жараёндан чалғитилмайдиган фуқороларнинг вақтини тежаш хисобига ҳам билвосита фойда кўрилади. Боз устига, гарчи жуда мухим бўлсада бунга Интернет орқали кириш асосий жихат эмаслигига алохида эътиборни қаратиш зарур. Бунда энг мухими – мақсадга самарали ва тежамли эришиш учун бошқарув жараёнларини соддалаштириш, трансформация қилишдир.

Ахборот технологияларини кўллаш кўламлари улар туфайли эришилиши мумкин бўлган натижаларга тўлиқ мувофиқ келади.

E-Governance мавзуси кейинги вақтларда жуда оммалашиб кетган. Бироқ сўнгги пайтларда эълон қилинаётган материалларда мазкур мавзуга ёндашишда тизимлик ва концептуал қатъийлик йўқлиги кўриниб турибди. Давлат бошқарувида АКТ ҳақида гапирилганда, одатда, платформалар, порталлар, хужжатлар айланиши, у ёки бу фирмаларнинг технологиясидан фойдаланиш тўғрисида сўз юритишади, у ёки бу даражада e-Governance деб

аталиш ҳуқуқига талабгорлик қилаётган, аслида эса бундай бўлмаган ахборот-коммуникация тизимларининг амалга оширилганлиги ва муаффақиятли жорий этилганлиги ҳақида ҳам гапириш мумкин.

Ахборот технологияларининг ижтимоий ҳаётга жорий этилишининг кўчкисимон жараёнида сохта кўтаринкилик ҳолатига тушиш бизнинг давримизнинг характерли белгиси ҳисобланади. Тегишли давлат дастурлари қабул қилиниши билан мустаҳкамланган ушбу жараён давлат бошқаруви органларининг ялпи ахборотлаштириш даражасига чиққандан кейин кўплар АКТ нинг давлат бошқарувида жорий этилиши мана шундай мисолларда кўринади.

Давлат бошқарувида АКТ – бу қандайдур суперкомпьютер ва у давлат аппарати ва барча амалдорларини тўлиқ ёки қисман алмаштиради ва одамлар учун давлат бошқаруви функциялари вазифасини бажаради деганлар адашади.

Оптимистик ижтимоий утопиялар нуқтаи назаридан идеал давлат ҳокимияти: “электрон амалдорлар” чарчаш нималигини билмайди, уларга уйқу ҳам зарур эмас. Бинобарин, кеча-кундиз ўз ишига садоқат билан хизмат қилишнинг намунасини кўрсатадилар.


Цивилизация ривожланишининг технократик моделлари душманлари бўлган утопистлар инсоният бошқа бир абсурд экстрополяция – машиналар ҳукмронлигининг ўрнатилиши, замонавий АКТ воситасида одамлар устидан ялпи электрон назорат қилиш билан кўрқитадилар.

Хар иккала томон ҳам бир хилда адашади – “Терминатор” ва “Матрица” ҳеч бўлмаганда яқин келажакда фантастика бўлиб қолишга маҳкум этилган. Жамиятни ялписига электрон бошқариш тизимини жорий этиш (яхши ниятда ёки ғайри-инсоний мақсадда жорий этилишининг ахамияти йўқ) техник жихатдан мумкин эмаслигидан ташқари, хатто жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари учун ҳам иқтисодий жихатдан имкони йўқдир. Аксинча e-Governance нинг жорий этилиши жамият учун давлат бошқаруви тузилмалари фаолиятининг кўпроқ очиқлигини таъминлайди.

Юқорида сўз юритганимиздек, давлат бошқарувида АКТ нинг жорий этилиши – бу давлат амалдорларининг барчасининг компютер техникаси билан “биттама-битта” жихозланганлиги.

Бошқача сўзлар билан айтганда, АКТ – мутахассислар томонидан қўлланилаётган “электрон ҳукумат” атамаси АКТдан фойдаланган ҳолда давлат ҳокимияти органлари ва жамиятнинг ўзаро ахборот орқали муомаласини билдирадиган метафорадан бошқа нарса эмас.

1.2. Дастурий таъминотларнинг афзаллиги



Бу ахборот орқали ўзаро муомала қилиш фаолиятининг – у ёки бу давлат қарорлари шаклида – қонунлар, қарорлар, фармойишлар, йуриқномалар ва хоказолар шаклида оммавий сиёсатни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилишнинг узлуксиз жараёни бўлган давлат бошқарувининг асосий мазмунини ташкил этади.

Ушбу жараён амалда унинг барча қадамлари – турли – туман бошқарув ахборотини йиғиш, ва таҳлил қилиш замонавий ахборот – коммуникация технологиялари воситалари орқали қайта ишланади ва моделлаштирилади. Давлат бошқарувининг машиналарга берилмайдиган ва принцип жихатидан машиналарга берилиши мумкин бўлмаган ягона босқичи

– бу бунда ваколат берилган ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан бошқарув қарори бевосита қабул қилинишидир.

Ахборотлаштиришнинг аён кўриниб турибди – у давлат аппарати ходимларининг ижодий салохиятини бошқарувнинг асосий функцияси – тегишли бошқарув қарорларини ишлаб чиқариш ва қабул қилишга қаратиш имкониятларини бериб бошқарув аппаратини тўплаш , жамлаш ва унга дастлабки ишлов бериш бўйича кўплаб эскирган функциялар бажарилишидан бевосита озод қилишга олиб келади.

Бу давлат бошқарувининг принципиал жихатдан янги сифатга ўтишининг ўзидир.

Ахборот технологияларининг замонавий имкониятлари бошқарувнинг “анъанавий инсон бажарадиган” схемаларида тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган операциялар бажарилишига йўл қўйиб қарор қабул қилиш тартиб – қойдасини тубдан ўзгартириш имкониятини беради. Масалан аниқ бир бошқарув қарорларини қилишнинг тўғридан – тўғри ва анча кейинги оқибатларини аниқлаш учун математик методларининг қўлланилиши.

Давлат муассасаларининг оддий “электронлаштирилиши” давлат бошқарувида АКТнинг комплекс тизимларини жорий этиш билан бирга кечадиган бошқарув фаолиятининг самарадорлигини улкан даражада ошишини таъминламаслиги аён.

Бошқача сўзлар билан айтганда , самарадорликни оширишга замонавий ахборот технологияларининг имкониятларига ва улар томонидан бошқарув фаолиятининг функционал ташкил этилишига қўйиладиган шарт – шароитларга мувофиқ бошқарувнинг мавжуд схемаларини ва жараёнларини тубдан қайта ташкил этиш орқали эришилади.

Шу нуқтаи назардан авж олдирилаётган маъмурий ислохатлар Ўзбекистонда давлат бошқарувида АКТ тизимини амалда жорий этиш учун яхши шарт – шароитлар яратади .

Айрим нимтизимларнинг жорий этилиши эса амалдаги қонунчиликка тегишли тузатишлар киритилишини тақозо этади Масалан ,Интернет орқали

паспортнинг муддатини узайтириш тартиб қонунчилигини жорий этиш учун муқобил техник ечимгина эмас, балки ушбу тартиб – қонунчиликни паспорт эгасининг шахсан ҳозир бўлмаслиги имкониятини назарда тутадиган паспорт тизими тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ҳам талаб этилади.

Шундай қилиб, “Давлат бошқарувида АКТ” – бу нафақат давлат бошқарувининг тегишли сифат даражасида ахборот – техник ташкил этилишидир.

Бу шунингдек исталган мамлакатнинг жамиятида мавжуд бўлган муносабатлар ва алоқани сифат жиҳатидан бошқача ташкил этиш ва бошқариш ҳамдир.

Соддалаштирилган шаклда ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий ҳаётини уч муҳим субъектнинг (булар – давлат, мамлакат фуқоролари ва бизнес субъектлари – ҳар хил тижорат ташкилотлари) муносабатлари динамик тенглиги шаклида тасаввур қилиш мумкин. Фуқоролар ҳам бўлиб фуқоролик жамиятини ифодалайди, бизнес субъектларнинг жами эса – мамлакат иқтисодиётини ифодалайди, давлат эса интеграцияловчи тизим ҳисобланади.

Ушбу механизм умуман олганда самарали ишлаши учун (корпорацияда ёки мамлакатда эканлиги муҳим эмас) бошқарувнинг оддий, тушунарли ва зиддиятли бўлмаган қоидалари зарурдир. Улар одатда корпорацияларда у ёки бу даражада мавжуд бўлади, чунки бизнес учун фаолият кўрсатиш самарадорлиги ниҳоятда муҳим омил ҳисобланади. Бироқ давлат иши соҳасида бундай қоидалар кам бўлмаган аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда кўламли маъмурий ислохотларни амалга оширишга доир амалий қадамлар мана шунинг учун эҳам жуда муҳимдир.

Ушбу вазифалар жаҳоннинг турли мамлакатларида қандай ҳал этилаётгани ва улар Ўзбекистонда қай тарзда ҳал этилишининг кейинги икки бўлимида кўриб чиқамиз.

Давлат бошқарувида, айниқса G2C нимтизимига АКТ тизими жорий этилишининг биринчи ва асосий ютуғи ушбу барча ҳужжатлардан ҳалос

бўлишидир. Бунда санаб ўтилган хизматларни ким кўрсатиши – марказий ёки маҳаллий давлат органларими, ёки уларнинг топшириғига кўра хар хил муассалар ва хусусий тижорат тузилмалари кўрсатишими (масалан, банклар, нотариал идоралар ва хакозалар) – бунинг фарқи йўқ. Асосийси ушбу ҳолатларнинг хар бирида фуқороларнинг идорама-идора сарсон бўлишларини хеч бўлмаганда қисқартиришдан иборат. Фуқороларга уларнинг кундалик зарур давлат ахборотидан электрон фойдаланишлари имконини бериш ва онлайн электрон хизматлар кўрсатишга доир ишларни ташкил этиш йўли билан ушбу муаммони самарали хал этиш мумкин.

Мисол учун, бугунги кунда Эстонияда ушбу “электронлаштирилган” мамлакат фуқороларига ва меҳмонларга шаҳар йўловчиларини ташиш транспортда йўл кира тўлашдан бошлаб тиббий суғуртагача онлайн давлат хизматларининг 250 дан ортиқ тури кўрсатилмоқда. Германия ҳукумати тармоқли ресурслар – Интернет ва Интранет орқали рақамлаш ва тақдим этиш мумкин бўлган 450 дан ортиқ хизматлар ва сервисларни белгилайди. Давлат бошқарувининг ахборот-коммуникация тизимлари бугунги кунда кўплаб мамлакатлар аҳолисининг кундалик ҳаётига тобора кенгроқ жорий этилмоқда. Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда реал кўрсатилаётган ушбу тизим хизматларидан айримлари қуйидагилардан иборат:

- солиқ декларацияларини тақдим этиш ва шахсий тўловларни : даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва хоказоларни амалга ошириш;
- ижтимоий таъминот хизматларидан фойдаланиш, грантлар ва қарзлар олиш;
- сўров ва етказиб бериш функциялари билан биргаликда фуқоролик ҳолатининг кўплаб далолатномаларини расмийлаштириш (масалан, бола туғилиши);
- шахсий ҳужжатларни – паспортлар, ҳайдовчилик ҳуқуқини ва хоказоларни расмийлаштириш;
- фуқороларни доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш, манзил ўзгарганлиги тўғрисида билдиришнома;

- шикоят ва аризаларни қабул қилиш, юридик маслаҳат бериш хизматлари;

- иш излаш ва мутахассисларнинг касб даражасини электрон тест синовидан ўтказиш бўйича меҳнат биржалари хизматлари;

- соғлиқни сақлаш тизими хизматлари (интерактив маслаҳатлар, қабулга ёзиш ва хоказолар);

- олий ўқув юртларига кириш тест синовлари, хайдовчилик ҳуқуқини олишга имтиҳонлар топшириш, масофадан туриб ўқитиш усули билан давлат таълим муассаларида малака ошириш ва бошқалар;

- даромадлар, дивидентлар тўғрисида ахборот ва маслаҳатлар олиш;

- кредитлар, имтиёзлар ва лицензияларни оилавий расмийлаштириш;

- ҳар хил бадалларни, коммунал хизматлари ҳақини тўлаш ва кўплаб бошқа нарсалар;

Тармоқ ресурслари орқали кўрсатилаётган кўплаб давлат хизматларининг ўзига хос молиявий асосини ташкил этувчи электрон пуллар аҳолига кўрсатилаётган тез суръатларда ривожланаётган замонавий онлайн хизматларидан биридир.

АКТ тизимларининг давлат бошқарувида кенг жорий этилиши у ёки бу формуляр, гувоҳнома, маълумотнома ва хоказолар учун кишиларнинг шахсан давлат муассаларига келишлари заруриятлари анча қисқартирилди, истиқболда эса – бундан бутунлай халос бўлади. Кўплаб мамлакатлар тажрибаси жорий этишнинг дастлабки босқичидаёқ кутилган мақсадга – сўровларга хизмат кўрсатиш тезлигини ошириш ва кутиш вақтини камайтириш ҳисобига фуқороларнинг давлат хизматларидан фойдаланишнинг енгиллаштиришга эришилади.

Мунособотларнинг ушбу нимтизимида қуйидагилар асосий субъектлари хисобланади: бюджет ва солиқларни тартибга солиш, давлат органлари ва тижорат тузилмаларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги, кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий ресурсларни бошқариш, тижорат фаолиятини лицензиялаш ва бошқалар. Бунда ушбу ва бошқа масалалар бўйича давлатнинг бизнес сектори билан мавжуд директив ва назорат қилувчи муносабатларни маданиятлироқ ўзаро шериклик муносабатлари оқимларига кўчириш. Бу қуйидагиларни таъминлаш зарур:

- бизнес тузилмалари олдида турган қоғозбозлик ва маъмурий тўсиқларни бартараф этиш;

- давлат бошқарувининг ортиқча бўғинларини қисқартириш, тартибга солиш юқини камайтириш ва хужжатлар айланишининг рақамли технологияларини кенг жорий этиш йўли билан бизнес жараёнларини ва транзакцияларни тезлаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш;

- қонунларда ва талабларидан келиб чиқиб ресурсларни мақсадга йўналтирилган ва эркин бошқариш;

- ривожланиш дастурларини рағбатлантирувчи қўллаб-қувватлаш;

ушбу вазифаларни хал этиш қуйидаги масалалар бўйича бизнес субъектларига электрон давлат хизматлар кўрсатиш тизимнинг дадиллик билан ривожлантириш йўли билан эришилади;

- компанияларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;

- ваколатли ташкилотлардан лойиха хужжатларига рухсатномалар олиш ва улар билан келишиш (экология, қурилиш, табиий ресурсларидан фойдаланиш);

- лицензияларни олиш ва уларни узайтириш;

- юридик маслахатлар, қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ахборот олиш;

- бюджетга (даромад, фойда, қўшилган қиймат, йўл, ер солиқлари ва бошқалар) ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий корпоратив тўловларни амалга ошириш;

- экспорт-импорт операциялар бўйича товарга илова қилинадиган ҳужжатларни ва божхона тўловларни расмийлаштириш;

- бухгалтерия, солиқ ва статистика ҳисоботини расмийлаштириш ва бошқалар;

Бунда электрон тижоратни ривожлантириш (e-Commerce) G2C нимтизими хизматларининг муҳим сектори ҳисобланади. Давлат бошқаруви органларининг корпоратив тармоғи унинг моддий-техник ва ахборот-коммуникацион асоси сифатида иш кўради. Давлат бошқарувиغا АКТ жорий этилишининг бутун жамият учун асосий афзаллиги айнан мана шу бўғинда таъминланади:

- ҳукумат ресурсларидан фойдаланиш тезлиги: тегишли портлар орқали у ёки бу муассага электрон кириш амалда бир зумда амалга оширилади ва навбатда туришлари талаб қилмайди;

- “бир дарча” принципи: давлат бошқаруви корпоратив тармоғининг исталган бўғинига киритилган ахборот электрон почта воситалари ва тарқатмалари орқали барча манфатдор давлат органларига юборилади ва уларнинг жавоблари ва резолюциялари биринчи марта мурожат қилинган нуқтада жамланади;

- айти бир хил маълумотномалар, гувоҳномалар ва хоказоларнинг давлат органларига кўп марталаб тақдим этиш заруриятининг йўқлиги ахборот давлат бошқарувининг корпоратив тармоғига бир марта киритилади ва кўп марталаб фойдаланилади;

2. АКТ ни хозирги кунда хар-хил сохаларда қўлланилиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот – коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ижроси натижасида солиқ идораларида ахборот – коммуникация технологиялари асосида замонавий бошқарув ахборот – таҳлил ишларини ташкил қилиш, интерфаол хизматлар кўрсатиш борасида катта ислохатлар амалга оширилганлиги мамнунлик уйғотади[36].

Фаолият кўрсатиш самарадорлиги бизнес учун ўта муҳим омил хисобланади. Қаттиқ рақобат муҳити мавжуд бўлган бир шароитда энг самарали компаниялар яшаб қолиши ва фойда келтириши мумкин. Бошқалар сингари натижаларга эриша олмайдиганлари банкрот бўлишга маҳкум этилгандир.

Хозирда жисмоний шахслар учун ҳам юқоридагидек интерфаол хизматлар кўрсатиб борилмоқда.

Юқоридаги қарорда белгиланганидек, қоғозсиз хужжат алмашинувчилар улуши солиқ идоралари ичида ортиб бормоқда. Хар кунлик солиқ тушумлари тўғрисидаги маълумотлар, тезкор ҳисоботлар, амалиётга жорий қилинган дастурий махсулотлар ёрдамида шакллантирилган маълумотлар, модемограмма ва кўрсатмаларни давлат солиқ хизмати органлари ичида корпоратив тармоқ орқали электрон кўринишда алмашиниш ташкил этилган. Шу йул орқали худудий давлат солиқ органлари билан 85 фоздан ортиқ маълумотлар электрон кўринишида айирбошланмоқда.

Солиқ органларининг бундан кейинги фаолитини замонавий ахборот – коммуникация технологиялари тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, бу соха ривожланади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратаверади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Презитентимизнинг фикирларидан келиб чиқиб, таълим- тарбия жараёнига замонавий ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш ишларини янада

ривожлантириш , умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг замонавий ахборот ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида кенг кўламли ишга қўл урди. 2011 йилнинг охирига қадар республикаимиз мактабларида фаолият кўрсатаётган 423 574 нафар ўқитувчининг барчаси замонавий ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича ўз малакаларини мустахкамлайдилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда компьютер ва интернет ҳаётимизга шу даражада кириб келмоқдаки, ундан хатто ўрта мактабларнинг кичик синф ўқувчилари ҳам фойдалана олиш имконига эгалар .

Болалардаги бу қизиқиш фақатгина компьютер ўйинлари билан боғлиқ эмас, ўқувчилар учун интернет таълим жараёнида ажойиб кўмакчига айланади. Билимни булоққа қиёслайдилар. У инсон тафаккури чанқоғини кондиради. Фақат мактаб дарсликлари билан чекланмаган билимга чанқоқ ёшлари интернет орқали кўшимча дарсликлари ва адабиётлар, ижодий ишлар, энг сўнгги маълумотлар билан танишишлари мумкин. Хозирги кунда ўқувчи ва талабаларнинг интернетдан тайёр рефератларни кўчириб олиб, ўз номидан фойдаланаётганликларини ҳам бор гап. Аммо вазиятни ўнглаш ўқитувчи ва мураббийлар измида. Ўз вақтида тўғри йўналиш берилса, интернетдан кўчириб олинган рефератлар ижодий иш эмас, шунчаки намуна вазифасини ўтайди, холос. Мустақил равишда қидириб топган манба ва маълумотлардан ўз изланишларида унумли фойдалана олаётган ўқувчилар ҳаракатидан эса фақатгина қувонмоқ керак. Шундай муҳитни ҳосил қилиш учун эса ўқитувчилар ҳам компьютер ва интернетдан яхши хабардор бўлишлари, унинг имкониятларини тўғри баҳолай олишлари лозим.

Малака ошириш курслари ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳар ва тумандаги белгиланган талабларга жавоб берадиган ва тегишли шароитга эга бўлган 2467 та таянч мактабларида ташкил этилади. Яъни, малака ошириш учун танлаб олинган таянч мактаблари замонавий компьютерлар ва унинг

қурилмалари (видеопроектор ва хоказо) ҳамда интернет билан таъминланган бўлиши лозим.

Маълумки, республикаимиз мактаблари утган йиллар мобайнида босқичма-босқич “ZiyoNET” тармоғига уланди.

Таянч мактабларда малака ошириш курслари 2011 йил апрел-декабр ойлари давомида ташкил қилиниб, курсларга умумий ўрта таълим мактабларида қолият олиб бораётган барча фан ўқитувчилари, мактаб маъмурияти жалб қилинади.

24-25 март кунлари Республика таълим марказида Халқ таълими вазирлигининг таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими, Мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази, “ZiyoNET” Ресурс марказининг ХТВ хузуридаги бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг 28 нафар мутахассиси, худидлардаги Корея Республикаси ЭКСИМ банки иштирокида амалга оширилаётган лойиха доирасида Корея Республикасида малака оширишда бўлган 28 нафар мутахассиснинг ўқуви ташкил этилди.

Икки кунлик тренингда иштирокчилар келгусида жойларда ўқувларни ташкил этиш, ўқитиладиган мавзулар, ташкилий масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Ўз навбатида, ушбу мутахассислар малака ошириш институтларида ўтадиган ўқувларда ўқитувчи-тренерлик қилишлари белгиланди. Айнан улар жойларда ташкил этилган 2467та таянч мактабларида ўқитувчи-тренерлик қиладилар.

2011 йилнинг 4-апрелидан бошлаб таянч мактабларида шу мактабга бириктирилган мактаблар ўқитувчилари учун тасдиқланган режа асосида икки ҳафталик малака ошириш курслари ташкил қилинади. Хар бир курсга мазкур таянч мактабдаги ҳамда унга яқин жойлашган мактаблардаги 20-25 нафардан ўқитувчилар режа-жадвал бўйича жалб этилади. Курслар таянч мактабдаги ва бошқа мактаблардаги дарс жараёнига халақит бермаган ҳолда ташкил қилинади. Демакки, таянч мактабларига бириктирилган тренер-

Ўқитувчилар вазифаси икки баробарга ортади. Уларнинг кўшимча меҳнатлари ўзлари фаолият кўрсатаётган мактабларда Директор жамғармасидан ва бошқа манбалардан рағбтлантирилиши олдиндан белгилаб қўйилган.

Яна бир муҳим жиҳат : 9-синф раҳбарлари битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиши билан боғлиқ масалалар тўлиқ ҳал этилгач, яъни август ойининг сўнг ўқув курсларига жалб этилади.

Таянч мактабига яқин жойлашган мактабларнинг директорлари ўз мактабларидаги малака ошириши лозим бўлган ўқитувчилар тўғрисида маълумотларни таянч мактабига буюртма сифатида тақдим этади.

Таянч мактаби ушбу маълумотлар асосида апрел-декабр ойлари учун малака ошириш режа-жадвалини ишлаб чиқади. Мазкур режа-жадвал халқ таълими муассасалари фаолиятини услубий таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудир томонидан тасдиқланади.

Режа-жадвал асосида ҳар бир мактаб ўқитувчиларни белгиланган таянч мактабларга малака ошириш курсларига юбориш тўғрисида ўз буйруқларини чиқаради. Малака оширишга юборилганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси ва тегишли ҳужжатлар билан тингловчилар таянч мактабига келадилар.

Тингловчилар бир кунда олти соатдан, икки ҳафта давомида 72 соат (32 соат назарий, 40 соат амалий) машғулотларда иштирок этадилар.

Таянч мактабларидаги курслар давомида ахборт-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражасига қараб гуруҳлар табақалаштирилиши, лидер ўқитувчилар аниқланиши, амалий машғулотларнинг самарали ўтишида улар ассистент бўлиб иштирок этиши мумкин.

Ўқув машғулотларидан кейин тингловчилар якуний аттестация (тест синови) топширадилар.

Машғулотларнинг кўнгилдагидек ташкил этилишига тўсқинлик қиладиган муаммолар, жумладан, жойларда электр таъминотидаги

узилишлар ва бошқа шу каби масалалар маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда бартараф этилиши кўзда тутилган.

Компютер ва интернет кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув дастури Ўзбекистон алоқа ва ахборотлантириш агентлиги ҳамда Тошкент ахборот технология университети томонидан ишлаб чиқилган.

Қўлланмалар ҳам босма, ҳам электрон шаклда тайёрланиб, жойларга тарқатилди. Икки ҳафта давомида, 76 соатлик машғулотларда Ахборот ва унинг аҳамияти : Компютер ва унинг турлари, Алоқа воситалари ва мобил алоқа технологиялари, компютер тармоқлари ва уларнинг аҳамияти, Интернет тармоғи хизматлари, Интернет тармоғи ресурслари, Электрон почта хизмати ва унинг имкониятлари, Интернетда ахборот қидирув тизимлари, Интернет орқали мулоқот ва унинг аҳамияти, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, Интернет тижорат тизимлари ва уларнинг аҳамияти, Электрон ҳужжат ва электрон ҳужжат алмашинуви, Интернет тармоғи видео материаллари, Интернет ижтимоий тармоқ хизматлари, Интернетда интерактив хизматлари каби мавзуларда ҳам назарий, ҳам амалий билимлар берилади.

Ўтган 2010 йилда “Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида интернет хизматлари кўрсатиш қийматини янада пасайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 1 июндан бошлаб Халқаро интернет каналлари сиғими йили бошига нисбатан 24 фоизга оширилди. Интернет хизматлари учун белгиланган нархлар 19 фозгача камайтирилди.

INVERSON Technologies SA (NEC) компанияси билан тузилган шартномага асосан Тошкент шаҳрига телеэшиттиришларни узатиш қурилмалари келтирилади ва монтаж ишлари тугатилиб, 18 июндан бошлаб тест тартибида ишга туширилди. Бугунги кунда Тошкент шаҳри ва вилоят ҳудудида 25та теледастур рақамли телеузатгичлар орқали тарқатилмоқда. Самарқанд шаҳрида 2010 йил 18 август куни рақамли телеузатгич ишга туширилди. Андижон, Қарши, Урганч ва Нукус шаҳарларига телеузатгичларни келтирилиб монтаж ишлари якунланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2011 йилни Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилди. Табиийки, тараққиётимизнинг янада юксак босқичга кўтарилишида барча соҳалар каби алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ҳам ўрни ва унинг олдига кўйиладиган вазифалар бор.

Маълумки, ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодиётнинг турли бўғинларига кириб бориши ўзига хос эволюцияни бошлаб беради. Аввалги технологиялардан фарқли равишда АКТ қўлланилиши ва самаралиги бўйича ҳақиқатда универсалдир. У соҳа танламайди, ҳар бир соҳанинг таркибий қисмига айланиб кета олади. Янги технологиялар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширибгина қолмай, вақт ва макон муаммоларини ҳал эта олади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш сармоялар сиёсати ва бизнеснинг хизматлар бозори йўналишида стратегик аҳамият касб этади.

Яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, инновацион технологияларни кенг қўллаш ҳисобига янги замонавий хизмат турларини жорий қилиш, сервис инфратузилмасини ривожлантириш ва ахборот-коммуникацион технологиялари соҳасида кўшимча иш ўринларини ташкил этиш галдаги зарур вазифалар қаторига киради. Шу сабабли алоқа соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва ишлар кўлами жорий – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янада оширилиши табиий ҳолдир.

Бизнесни шакллантиришда интернетнинг таъсирини эътибордан қолдириш мумкин эмас. Глобал тармоқ хизматлар кўрсатиш соҳасини кескин ривожлантириб юборди. Хизматлар нафақат реал шароитларда, балки вертуал одам орқали ҳам тақдим этилмоқда. Бу эса ҳар қандай чегара ва тўсиқларни олиб ташлади, жаҳон бозорлари эшигини очиб берди. Демак,


замонавий технологиялар ёрдамида нафақат ички бозорларимизга, балки ташқи бозорларга ҳам ўз хизмат ва махсулотларимизни тақдим эта олишимиз мумкин. Кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар ўртасида соғлом рақобатнинг юзага келтириши ушбу жараёни янада тезлаштириши шубҳасиздир. 2010 йилда Швеция мамлакати катор рейтинг ва ҳисоботларда “АКТ етакчиси” деб этироф этилди. Швед мутахассислари бундай муваффақият сири аҳолининг АКТ йўналишига қизиқувчанлиги ҳамда мамлакатда мустақил ташаббуслар кенг қўллаб қувватланиши билан боғлиқлигини таъкидлашади. Мазкур мамлакат вакиллари АКТ йўналишидаги ютуқларини истаганча санаш мумкин. Масалан, 1993 йили кичиккина корхона сифатида ташкил этилган QlikТескнинг бугунги кунда ишлаб чиқариётган дастурий махсулотларидан дунёнинг 15000 дан ортиқ йирик компаниялари фойдаланиб келмоқда. Интернетда bepул телефон алоқасидан фойдаланиш тизими машхур – Skype ҳам швед тадбиркорлари Никлас Зенистрём ва Дане Янус Фринс томонидан яратилган. Улар бу тизимни 2005 йили интернет-аукцион орқали 2,6 миллиард долларга сотишганиди. 2009 йили мустақил дастурчи Маркус Персон янги компьютер ўйини ишлаб чиқиб, интернетга жойлаштирди. Шунинг учун ҳам HP ва Microsoft каби гигант корпорациялар янги ғояларга эга иқтидорли тадбиркорларни қидириб топиш учун Швецияга ўз скаутларини тез-тез жўнатиб туради.

АКТ имконияларидан самарали фойдаланиш, нафақат шу соҳа вакиллари, балки ҳар бир тадбиркор учун тобора долзарблик касб этиб бормоқда.

Асосий қисм.

II-БОБ. Электрон пул ўтказмаларини лойihalаш

2.1. Электрон пул ўтказиш тизимини ишлаш жараёни




Электрон пул ўтказиш тизимини ишлаш жараёни юқоридаги схема орқали амалга оширилади. Хозир ман хар биттасига алохида-алохида таъриф бераман:

1. Почта ходимининг ишчи жойи – бу электрон пул тизимини амалга оширади, уни бошқаради ва тизимни назорат қилади.
2. Модем – бу қурилма электрон пул ўтказмаларини глобал тармоқда амалга ошириш учун керак бўлади. Лекин бу усул коорпаратив тармоқда қўлланилмайди.
3. Тармоқлараро экран – бу электрон пул ўтказмаларини кузатиб боришни таъминлайди яъни провайдир вазифасини бажаради.
4. Коммутатор – бу пул ўтказмаларини ўтишини таъминловчи қурилма.
5. EPO' Server – бу пул ўтказмаларни қабул қиладиган ва ҳамма амалларни бошқариб турадиган сервер вазифасини бажаради.

Электрон пул ўтказмаларини глобал лойihalашда икки хил модемдан фойдаланса бўлади. Булар Dial-up ва ADSL модемлари орқали бажариш мумкин.

2.2. Бу модем орқали ҳам амаллар юқоридаги сингари бажарилади.

ADSL модем.



Мен бу лойihalаш даврида электрон пул ўтказмаларини янада ривожлантириш мақсадида хар хил таклифларни кўшмоқчиман.

Фойдаланувчи ва давлат органлари ўртасидаги алоқани янада ривожлантириш мақсадида хар бир фойдаланувчига ўз уйида туриб электрон пул ўтказмаларини амалга ошириши керак. Яъни хар бир почта алоқа шахобчасига уйдан туриб мурожат қилиш имконини яратиш ва хар бир фойдаланувчининг ўз логин-пароли бўлиш керак. Бу логин-парол орқали фойдаланувчи электрон пул ўтказмаларини амалга оширадиган дастурга кириб у ерда давлат органи билан бирга электрон пул ўтказмаларини амалга ошириши мумкин.

Бу хизматларни амалга ошириш учун электрон пул ўтказмаси амалга ошириладиган дастурни янада такомиллаштириш керак. Шундагина хар бир фойдаланувчи уйдаи ёки ишдаи хох у ўзининг шахсий компютери, хох шахсий телефони бўлсин у хамма жойда тез ва кулай пул ўтказмаларини амалга ошириш мумин.

1. Электрон пул ўтказмаларини Ўзбекистонга кириб келиши ва ривожланиши

Тошкент ш., 2009 йил 22 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги Халқаро Ҳамкорлик Марказида InfoCom-2009 АКТ ҳафталигининг энг ёрқин воқеаларидан бири Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) бўйича Миллий Саммит - "АКТ-Саммит 2009" ўтказилади[58].

АКТ-Саммит Ўзбекистоннинг етакчи АКТ мутахассислари учрашадиган асосий жой ҳисобланиб, бу ерда ҳар йили юртимиз ва дунёнинг етакчи мамлакатларидан қарийб 400 делегат тўпланади. Булар АКТ бозорининг етакчи экспертлари, давлат органлари, жамоат ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мамлакатимиздаги ҳамда хорижий етакчи АТ-компанияларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидир.

Бу йилги Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Миллий Саммит ҳам бундан истисно эмас. Бу йил Саммит ишида Германия, Хиндистон, Қозоғистон, Корея, Россия, АҚШ, Тожикистон, Чехия каби мамлакатлардан қарийб 500 делегат иштирок этади. Саммитни ўтказишга давлат тузилмалари, Ўзбекистон савдо-саноат доиралари, шу йўналишда ишловчи ташкилотларнинг эътибори жалб этилган.

Маълумки, давлат органлари фаолиятига АКТни фаол жорий этиш жамиятда кенг кўламли ахборот ўзгартиришларини амалга оширишнинг зарур элементи ҳисобланади. У бошқарув аппаратларининг иши самарадорлигини анча ошириш, бошқарув шаффофлигини таъминлаш, давлат билан аҳоли ҳамда давлат билан бизнеснинг ўзаро ҳамжиҳатлигини ошириш имконини беради. Мазкур вазифа амалга оширилиши фуқаролик жамияти ва демократик асосларни мустаҳкамлашда кўмаклашади ва шу сабабли ҳам у ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ушбу стратегик мақсадга эришиш учун эса барча давлат ва нодавлат тузилмаларининг куч-ғайратини бирлаштириш ҳамда фаоллаштириш талаб қилинади.

Миллий Саммит эса мутахассисларга, давлат органлари ва халқаро ташкилотларга АКТ бозорининг ҳолатини чуқур таҳлилқилиш, бу соҳадаги янги ютуқлар билан танишиш имконини берувчи саҳна вазифасини бажаради.

Делегатлар мазкур тадбирни ўзларининг анъанавий, профессионал анжуманлари деб ҳисоблайдилар. Бу эса мутахассислар АКТ соҳасидаги сўнги воқеалардан хабардор бўлиш, фикр ва тажриба алмашилиш, илғор амалиёт борасида экспертлардан ахборот олиш, ҳамкасблар билан учрашиш учун яхши имкониятдир. 50дан зиёд маърузачилар бугунги кунда Ўзбекистонда, ҳамда дунёда АКТ бозорининг аҳволи тўғрисида маъруза қиладилар, соҳадаги янги ютуқлар билан таништирадилар.

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Миллий Саммит ташкилотчилари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва АКТни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистонда БМТ Тараққиёт Дастурининг "Ўзбекистонни ривожлантириш учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига кўмак" (ICTP) лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмасидир.

Бу йил "АКТ-Саммит"нинг ўтказилиш формати бир мунча ўзгарди, у аввалги йиллардагидан фарқли равишда, фақат бир кун давом этади. АКТ бўйича Миллий Саммит Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигини бошлаб берувчи воқеа бўлиш билан бирга, унинг ялпи ва секцион мажлисларида ўз ишини давом эттиради. Тадбир якунида Саммит тавсиялари инобатга олиниб Саммит Резолюцияси қабул қилинади.

Бу йил "АКТ-Саммит" ўзининг етти йиллигини нишонлапти ва янги тенденциялар, ютуқлар ҳамда турмушнинг турли соҳаларига АКТни жорий этишдан кўриладиган манфаатларни намоиш этиш, шунингдек

истикболларни муҳокама қилиш ва АКТни ривожлантириш масалаларига профессионал нуқтаи назар билан ёндошиш, ҳамкорлар доирасини кенгайтириш ҳамда АКТ имкониятлари ҳамма жойда амалга оширилиши жараёнида юзага келувчи вазифаларнинг ечимларини биргаликда топиш, АКТ секторининг ўзини ҳам жадал ривожлантириш учун қулай замин ҳозирлайди.

"АКТ соҳасидаги миллий қонунчиликни янада ривожлантириш режалари", "Ўзбектелеком" АК миллий телекоммуникация тармоғини ривожлантириш тенденциялари", "NGNда ахборот хавфсизлиги стандартлари", ".UZ миллий доменини ривожлантириш истикболлари", "Давлат ахборот сиёсати ва ахборот-кутубхона муассасалари", "Биометрик паспорт тизимида ахборотни химоялаш", "Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш муаммолари", "Рақамли телевидение АКТдан оммавий фойдаланиш имконияти сифатида", "Тармоқларни ривожлантиришнинг мобил тенденциялари", "Мобил ва юқори тезликка эга алоқа тармоқларини ривожлантиришнинг ҳозирги истикболлари" - буларнинг барчаси АКТ бўйича Саммит иши давомида кўриб чиқиш режалаштирилаётган масалалар ва вазифаларнинг бир қисми, ҳолос. Шунингдек, бир қанча халқаро экспертлар "Чехияда Электрон Ҳукумат ва eGON", "Энг чекка ва олис жойларда истиқомат қилувчи аҳолини қамраб олиш ҳамда ижтимоий ахборот ва хизматларни тақдим этиш учун электрон ҳукуматни қўллаш" каби мавзулар бўйича маърузалар қиладилар.

Бу йил Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Миллий Саммит ташкил этишда бир қанча компаниялар ҳамийлик қилдилар. Булар: MICROSOFT корпорацияси ва InlineTelecomSolutionsкомпанияси (Саммитнинг олтин ҳамийси), NOKIASIEMENSNETWORK компанияси ва "E-PAY" тўлов тизими (Саммитнинг кумуш ҳамийлари), SoftlineInternationalкомпанияси (Саммитнинг Премиум ҳамийси), SARKOR-TELECOMкомпанияси (Саммитнинг техник ҳамийси).

<http://summit.ictp.uz>. манзили орқали танишиш мумкин. Шу билан бирга, тадбир якунларига кўра "АКТ-Саммит 2009"га оид барча материаллар киритилган компакт-диск тайёрланади. Миллий АКТ-Саммит 2009га доир барча материаллар билан "Ўзбекистонни ривожлантириш учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматиغا кўмаклашиш" лойиҳаси (ICTP) - бу, БМТ Тараққиёт Дастури билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иккита ўзига хос, лекин айна пайтда ўзаро боғлиқ мақсадларни амалга оширишга, яъни Ўзбекистонда АКТни илгари суриш ва ривожлантириш ҳамда ривожланиш борасидаги муайян мақсадларга эришиш учун АКТдан фойдаланишда республика Ҳукуматиغا ёрдам беришга қаратилган қўшма лойиҳасидир. "АКТ Сиёсати" лойиҳаси стратегик маслаҳатлар бериш, пилот ташаббусларини амалга ошириш, салоҳиятни мустаҳкамлаш, жамоатчилик орасида хабардорликни ошириш, давлат миқёсидаги ва хусусий шериклик муносабатларини яхшилаш каби йўналишлар бўйича гуруҳланган бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда[65].

“UNISStream” халқаро пул ўтказмалари тизими ва дунёдаги энг йирик банклардан бири “Deutsche Bank” мижозларга Хитойдаги йирик банкларда тизимининг операцион пунктлари орқали ўз ҳисобларини тўлдириш имконини берувчи ҳамкорликдаги халқаро лойиҳани ишга туширишди.

Хизматнинг моҳияти шундаки, мижоз пулни “UNISStream” пунктига олиб келиб, операторга Хитой банкидаги банк ўтказмасини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳисоб реквизитларини маълум қилади. Маълумотлар олингандан кейин оператор банк халқаро даражада “Deutsche Bank” томонидан амалга ошириладиган тегишли банк ўтказмасини ўтказиб беради.

Лойиҳа доирасида ХХР даги 12 та йирик банкни қамраб олиш режалаштирилган. Улар орасида эса “ICBC” ва “BANK OF CHINA” сингари йирик банклар ҳам мавжуд. “Deutsche Bank” ушбу банкларнинг барчаси билан ҳамкорлик муносабатларига эга ва айнан шу жиҳат ушбу лойиҳани

амалга ошириш имконини берди. Ўз навбатида бу банкларнинг Хитойда 30000 дан ортиқ бўлимлари мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим.

“UNISStream” раҳбариятининг ҳисоблашича, хизматнинг долзарблиги бундай шаклдаги хизмат турларига инсонларда бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бораётганлигидир. Сабаб эса ХХР иқтисодиётининг МДХ давлатлари ва дунё миқёсида тутган ўрни. Бундай лойихага мижозларда эҳтиёж катта.

У шунингдек, дунёдаги энг йирик банклардан бири ва МДХ ўтказмалар бозоридаги етакчилардан саналган “Deutsche Bank” имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Осиё ва Европанинг молиявий институтлари ўртасидаги интеграцияни кучайтирувчи муҳим кадам ҳам бўлди.

“Биз тўлов хизмати, мижозларнинг банклардаги қарзларини қоплаш, банк ўтказмалари ва бошқалар билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар спектрини фаол ривожлантиряпмиз. Ҳамкоримизнинг кўламини инобатга олган ҳолда, ушбу лойиха мислсиз ҳисобланади, бозор учун ва иккита халқаро молиявий институтнинг интеграциясида муҳим аҳамият касб этади”, — деди “UNISStream” бош директори Сурен Айриян.

“Биз Россия ва МДХ даги етакчи пул ўтказмалари оператори билан ҳамкорликка катта умид боғлаяпмиз. Бу ҳамкорлик кирувчи ўтказмалар ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринда турувчи Хитой бозорига пул ўтказмаларини янги даражага олиб чиқиши туфайли “Deutsche Bank” учун ҳам, “UNISStream” учун ҳам бирдек фойдалидир”, — деди “Deutsche Bank” Россия ва МДХ молия институтлари бўйича тўлов-клиринг хизмати бошқармаси директори Тим Файф.

С. Айрияннинг таъкидлашича, ушбу вазиятда тизимнинг мижозлар учун жозибадорлиги таклиф этилаётган хизматларнинг сифатига боғлиқ бўлади, маҳсулотлар сафининг кенглиги эса ушбу спектрнинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

“Бозордаги тарифлар деярли тенглашиб қолган бугунги кунда, мижоз асосий эътиборни тизимнинг қандай ривожланганлигига ҳамда қадамли йўл

ва у ёки бу оператор томонидан тақдим этиладиган қўшимча сервисларга каратади” — деди С. Айриян.

Унинг таъкидлашича, 2009 йилни бутун дунё бўйлаб 190000 пункт билан яқунлаган “UNISStream” жорий йилда электрон тўловлар соҳасидаги интеграциялашув ҳисобига маҳсулотлар сафини ривожлантириш бўйича ўз сиёсатини жадаллаштиришни назарда тутган.

Эслатиб ўтиш жоизки, 2011 йил бошида “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги банкка илгари, 2010 йил тўртинчи чораги натижаларига кўра, “uzB” миллий шкаласи бўйича берилган “Барқарор” прогнозли кредит рейтингини тасдиқлаган эди. Бу банкнинг ўз молиявий мажбуриятларини юқори даражада ўз вақтида ва тўлиқ бажариш қобилиятига эга эканини кўрсатади.

Биринчи чорада операция таваккалчиликларини бошқариш тизими жорий этилди ва бу хизмат кўрсатиш сифатини босқичма-босқич ошириш ҳамда банкнинг кундалик фаолиятида юзага келадиган яширин хавфларни камайтириш орқали корпоратив бошқарув тизимини ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш имконини берди.

“Универсалбанк” хусусий очик акциядорлик тижорат банки 2002 йилнинг майида 0,05 миллиард сўм низом жамғармаси билан ташкил этилганди. 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра, банк активлари 33,8 миллиард сўмни ташкил қилди. Кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлар, шунингдек, чакана миқозлар банкнинг асосий миқозлари ҳисобланади.

Ўтган йили “Универсалбанк” хусусий очик акциядорлик тижорат банкида корпоратив бошқарувни, операция таваккалчиликларини назорат қилишни кучайтириш, бозор улушини кўпайтиришга қаратилган кенг кўламли қайта ташкил этиш ишлари бошланган эди. Қайта ташкил этиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига

мувофиқ амалга оширилмоқда. Қабул қилинган ривожланиш стратегиясига биноан банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хизмат кўрсатадиган ўрта банклар орасида пешқадамлардан бири бўлишга ҳаракат қилмоқда[64].

“Универсалбанк” бу борада Банк назорати бўйича Базел қўмитаси талабларига амал қилган ҳолда, операция таваккалчиликларини бошқариш тизимини босқичма-босқич жорий этмоқда. Лойиҳадан кўзланган мақсад банкнинг бизнес-жараёнларни оқилона ташкил этиш ва оптималлаштириш, хавфли воқеалар юзага келиш эҳтимоли бор таваккалчиликларни камайтириш, банкнинг ишончлилик рейтингини кўтариш, шунингдек, банк хизматларининг инвестицион жозибадорлиги ва сифатини оширишнинг самарали воситаси сифатида таваккалчиликларни бошқариш тизимини кўллаш бўйича жаҳон амалиётига мувофиқлигини таъминлашдан иборат.

Банкда жорий этилаётган тизим ўз операция таваккалчиликларини баҳолаш, операция таваккалчиликларини қоплаш учун капиталга бўлган иқтисодий асосланган эҳтиёжни аниқлаш, ўз таваккалчилик-менежмент моделини ишлаб чиқиш имконини беради. Банкда операция таваккалчиликларини бошқариш тизимини жорий этиш доирасида назорат тизими ишлашининг асосий принцип ва қоидаларини белгилашга ёрдам берадиган қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бунда Базел қўмитаси томонидан таклиф этилган операция таваккалчиликларини ҳисоб-китоб қилишнинг стандарт услуби асосида тузилган операция таваккалчиликларини баҳолашнинг автоматлаштирилган тизими кўмаклашади.

“Универсалбанк”да операция таваккалчиликларини бошқариш тизимини янада ривожлантириш ходимлар ўртасида корпоратив маданият даражасини, бизнес-жараёнларни бошқаришни ошириш, бизнес-жараёнларда қалтис воқеалар юзага келиши эҳтимолини камайтириш, мижозларга тақдим этилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг сифати ҳамда ишончлилигини ошириш имконини беради.

“Универсалбанк” ҳар ой аҳоли учун камида 1-2 янги омонат турини таклиф этади. Бунда таклиф этилаётган омонатлар шартларини яхшилаш ва банк айланмасига маблағларни жалб қилиш мақсадида омонатчилар истаклари ўрганилмоқда. Айни пайтда “Универсалбанк” мижозлар учун миллий валютадаги 20 ва хорижий валютадаги учта омонат турини таклиф этмоқда. “Универсалбанк” Омонатларни кафолатлаш жамғармаси аъзоси ҳисобланади ва бу давлат томонидан маблағларнинг юз фоиз қайтарилишини кафолатлайди.

Банк “Migom” ва “Lider” пул ўтказмалари тизимлари билан шартнома имзолади ва бундай тизимлар сони тўрттага етди. Масалан, Европа траст банкида ташкил этилган ҳисоб-рақам очмасдан жисмоний шахсларнинг пул ўтказмаларини амалга ошириш “Migom” халқаро тизими мамлакатимизда оммалашиб бораётир ва у пул ўтказмаларини имкон қадар тез ўтказилишини кафолатлайди.

1.3 Почта индекси[37]

Почта алоқа шахобчалари	Индекс	Почта шахобчалари жойлашган туман,шахар,вилоят
Аввал	150403	Фарғона вилояти
Акбаробод	150806	Фарғона вилояти, Қува тумани
Оқтепа	150515	Фарғона вилояти, Данғара тумани
Арабмозор	151501	Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани
Ариқбоши	150302	Фарғона вилояти, Бешариқ тумани
Уяли	110919	Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани
Файзабод	151213	Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани
Фарғона 17	150117	Фарғона шаҳар
Фарғона 15	150114	Фарғона шаҳар

“Lider” тизими эса бутун дунёга маблағларни тез ўтказиш, шунингдек, турли провайдерлар манзилларига хизмат ва сервис учун тўловларни қабул қилиш хизматларини таклиф этади. Бу тизим жисмоний шахсларга пулни манзилсиз ўтказиш имконини беради, яъни пул ўтказмасини у келиб тушадиган мамлакатдаги тизимнинг исталган пунктида паст тарифларда – АҚШ доллари ва еврода 0,5 фоизда олиш, тизимнинг интернет-сайти орқали онлайн режимида кузатишга ёрдам беради. Банкда бундан олдин “Western Union” ва “Тезкор почта” тизимлари жорий этилган.

Хозирги кунда биз пул ўтказмаларига Ўзбекистон Республикаси ичида ва ташқи мамлакатлар орқали Ўзбекистон Почтаси ва кичик хусусий ташкилотларни ҳам мисол қилишимиз мумкин(e-pay).

Электрон пул ўтказмалари Ўзбекистон Республикасининг почта алоқа шахобчалари орқали амалга оширилади. Бунга қуйида келтирилган мисол орқали почта шахобчаларини манзиллари кўрсатилган.

2. Электрон пул ўтказмаларини Ўзбекистонда қабул қилинган дастурлар

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида иқтисодий ривожланиш кўп жihatдан инновациявий иқтисодий тизимларни шакллантириш туфайли хўжалик юртурувчи субъектларнинг инновациявий фаоллигини ошириш ва улар сонинг ўсиши хисобига техник-технологик модернизациясига эришиш, иқтисодиётимизнинг рақобат бардошлилигини ошириш ва якуний хисобда аҳолининг фаровонлигини оширишни таъминлаш тобора мухим ўрин тутди.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги мухим масалалар ечимларини топишда инновациялар асосан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тадбиқ этилади. Янги технологияларни, истеъмолчилар талабларини қондирадиган махсулотларни қидириш ва тадбиқ этиш, корхонани ривожлантириш мақсадида қўйиладиган масалалар биринчи навбатда, тадбиркорликнинг инновациявий фаоллик, новаторлик, изланувчанлик каби жihatларини амалда қўллаш орқали эришилади.

Шунинг учун миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш масалалари ечимини топишда биринчи навбатда, давлат ва хусусий мулк асосларида инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган тадбиркорлик фаолиятига ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида қаралиши лозим. Инновациявий иқтисодиёт – амалда тадбиқ этилган янгиликлар иқтисодий ўсишнинг асосини ташкил этган холда, тадбиркорлик фаолиятида инновацияларнинг кенг тадбиқ этилиши сабабли ижобий натижалар беришини белгилаб берса, инновация эса тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг энг мухим йўналишларини аниқлаб беради.

Тадбиркорликни ривожлантириш стратегиялари, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов асарларида ўз ифодасини топган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Бироқ жахонда кузатилаётган иқтисодий инқироз, рақобат мухити шароитида мамлакат иқтисодиётини биринчи

навбатда – ривожланиши модернизациялаш, инновацион ривожлантириш каби долзарб муаммолар қаторида кичик бизнес инновациявий фаоллигини оширишда ахборот технологияларини қўллаш масаласи ҳам мухим хисобланади.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялашда инновациялардан самарали фойдаланиш стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15-июлдаги “Инновацион лойихалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси” ги қарори мухим аҳамиятга эга[12].

Мамлакатда 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш бўйича кўплаб лойихаларни амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлилигини таъминлаш масаласи биринчи навбатда, инновацион тадбиркорлик фаолиятини ривожланганлик даражаси билан боғлиқдир. Мамлакатимиз кичик тадбиркорлик фаолиятига кўплаб инновацияларни киритиш, ишлаб чиқаришни техник-технологик қайта жихозлаш каби жараёнларни иқтисодиёт рақобатбардошлилигини оширишнинг мухим омили сифатида қаралмоқда.

**2010 ЙИЛГАЧА ПОЧТА АЛОҚАСИ ШОХОБЧАЛАРИНИ
ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ, АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НЕГИЗИДА ХИЗМАТЛАРНИНГ ЯНГИ
ТУРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил 19 июлдаги 339-сон Қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидаги мақсадли вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш Дастурнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, почта алоқаси фаолият кўрсатишининг бозор механизмларини кенг жорий этиш, тармоқда замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, рақобатни ривожлантириш;

умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, техника билан қайта жихозлаш ва янада ривожлантириш;

хизматларнинг янги турлари комплексини жорий этиш, уларнинг турларини кенгайтириш, сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

почта алоқаси тармоқларида янги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш;

умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шохобчалари инфратузилмасини замонавийлаштириш ва ривожлантириш учун хорижий

инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан биргаликда тасдиқланган Дастурни амалга ошириш учун хорижий банклар, халқаро молия ташкилотларининг кредитлари ва инвестицияларини жалб этиш чоратadbирларини кўрсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев

"Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 19-20-сон, 144-модда[34].

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил 19 июлдаги 339-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мамлакатнинг почта алоқаси шохобчалари таркибий жиҳатдан "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти шохобчаларидан иборатдир, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

189 та туман ва шаҳар узелларидан, 2991 та алоқа бўлимларидан (улардан 2305 таси қишлоқ жойларда) иборат бўлган 14 та минтақавий филиаллар;

3 та ихтисослаштирилган филиал - "Халқаро почтамт", "Халқаро тезкор почта", "Ўзбекистон маркаси";

почта жўнатмаларининг мунтазам равишда ташилишини таъминловчи 1 та темир йўл, 34 та авиа, 529 та автомобиль йўналишлари.

"Почта алоқаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг "Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил 19 июлдаги 339-сон қарорига мувофиқ "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти Ўзбекистон

Республикасининг бутун худудида универсал хизматларни эксклюзив амалга оширувчи миллий оператор хисобланади, шунингдек халқаро почта айирбошлашни амалга оширади.

Почта хизматлари бозорида анъанавий хизматлар, шу жумладан ёзма хат-хабарларни, жўнатмаларни, почта пул жўнатмаларини юбориш ва бошқа хизматлар кўрсатилади. "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти табиий монополист хисобланадиган почта алоқасининг маҳаллий хизматлари сегментидан фарқли равишда, халқаро хизматлар сегментида рақобат мавжуд, унда 10 тадан ортиқ маҳаллий, хорижий фирмалар фаолият кўрсатмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг етарли жорий этилмаганлиги сабабли почта алоқаси корхоналари томонидан хизматларнинг янги турлари кўрсатилмаяпти, уларнинг турлари кенгаймапти, почта жўнатмаларини ишлаш ва етказиб беришни автоматлаштириш даражаси пастлигича қолмоқда, бу кўрсатилаётган хизматлар сифатига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида хизматларнинг янги турларини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг барча худудида почта алоқаси универсал хизматларининг кафолатли ва сифатли кўрсатилишини таъминлаш ушбу Дастурнинг асосий мақсади хисобланади[34].

- Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги мақсадли вазифаларни амалга ошириш назарда тутилмоқда:
- норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, почта алоқаси фаолият кўрсатишининг бозор механизмларини кенг жорий этиш, тармоқда замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, рақобатни ривожлантириш;

- умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, техника билан қайта жихозлаш ва янада ривожлантириш;
- хизматларнинг янги турлари комплексини жорий этиш, уларнинг турларини кенгайтириш, сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;
- почта алоқаси тармоқларида янги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш;
- умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шохобчалари инфратузилмасини замонавийлаштириш ва ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш.

Почта шохобчаларини замонавийлаштириш:

- турли хил почта жўнатмаларини етказиб беришда аниқ тарификацияни таъминлаш учун почта алоқаси узелларини ва бўлимларини зарур миқдордаги электрон ўлчов воситалари билан жихозлаш;
- вилоятлараро, вилоятлар ва туманлар ички автомобиль почта йўналишларини мақбуллаштириш учун минтақалараро айирбошлаш пунктларини ташкил этиш;
- почта жўнатмаларини ва пул маблағларини ташувчи почта автомобиль техникаси паркини янгилаш, шунингдек уларни кўчма алоқа воситалари билан қўшимча жихозлаш;
- почта алоқаси корхоналарида видеокузатиш ва фойдаланишни электрон назорат қилиш тизимларининг техник имкониятларини кенгайтириш;
- почта жўнатмаларини ва даврий матбуотни ишлаш, манзиллар бўйича ажратиш айирбошлаш пунктларини портатив рентген-телевизион қурилмалар билан жихозлаш, шунингдек қўлда ишлатиладиган металл детекторлар билан қўшимча жихозлаш;

Почта алоқасининг янги хизмат турлари комплексини жорий этиш:

- почта хизматлари - электрон почта, гибрид почта, электрон почта маркаси, "Товарларни почта орқали етказиб бериш", почта жўнатмаларини етказиб беришни Интернет ёки телефон орқали назорат қилиш тизими;
- интерактив хизматлар - компьютер технологияларига асосланган сўзлашув пунктларидаги телефон, факсимил алоқа хизматлари, электрон маълумотнома тизими, Интернетдан фойдаланиш;
- молиявий хизматлар - пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда молиявий тўловлар бўйича операциялар, электрон пул жўнатмалари, ҳисоб-китоб-касса операциялари бўйича хизматлар;
- почта жўнатмаларини ишлаш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларида янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

Почта алоқаси шохобчаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш:

- почта жўнатмаларини етказиб бериш, ишлаш, манзиллар бўйича ажратиш ва мониторингини юритиш тизимини тегишли равишда замонавийлаштирган ҳолда почта инфратузилмасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш[68];
- маълумотларни узатишнинг мавжуд корпоратив тармоғини замонавийлаштириш йўли билан почта алоқасининг автоматлаштирилган тизимини яратиш, унга почта алоқасининг барча филиалларини, туман, шаҳар узеллари ва бўлимларини улаш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги хизматлар турларини кўпайтириш учун иш ўринларини компьютер технологиялари билан тегишли равишда жихозлаш;
- маълумотлар узатиш тармоғи орқали газеталарга, даврий, бошқа матбаа нашрларига ва турли товарларга буюртмаларни қабул қилиш, шунингдек уларни буюртмачиларга тегишли почта алоқаси

бўлимлари орқали етказиб бериш йўли билан электрон савдо тизимини ташкил этиш;

- маълумотлар узатишнинг замонавий технологиялари (АТМ, Frame Relay, Fast Ethernet, Gigabit Ethernet)ни қўлланган холда халқаро пул жўнатмаларини етказиб бериш бўйича почта алоқаси хизматлари кўрсатишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- 2002-2010 йилларда компьютерлаштиришни ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга оширишда қатнашиш.

Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш:

- қонун ҳужжатларини халқаро амалиёт ва стандартлар талабларига мувофиқлаштириш юзасидан уларга ўзгартиришлар киритиш, тегишли фаолият турлари бўйича умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича почта операторлари фаолиятини лицензиялаш механизминини жорий этиш;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қароридан келиб чиққан холда почта алоқаси корхоналари томонидан пенсиялар ва нафақаларни етказиб бериш бўйича норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш;
- ахборот-коммуникация технологияларини қўлланган холда почта хизматларини жорий этиш ва кўрсатиш бўйича фаолиятни тартибга соладиган почта алоқасининг тармоқ ишлаб чиқариш-технологик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Ҳозирги кунда ахборот технологиялар бизнинг кундалик ҳаётимизга кириб келиши билан биргаликда, инсоният ва унинг атроф муҳит ўзгариши, жамият ривожланишига ўз таъсирини ўтказмоқда. Мамлакатнинг келажакда жадал ривожланиши, биринчи навбатда, ахборот технологиялар тизимини шакллантириш туфайли хўжалик юртурувчи субъектларнинг инновациявий фаоллиги ошишига ва корхоналарни техник-технологик томондан

модернизациялаш даражасининг ўсишини таъминлашга, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлилигининг ўсишига ва натижада, аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узликсиз ошиб боришига олиб келади.

“Электрон тижорат” тушунчаси Интернет тармоғидаги тижорат соҳасига оид фаолликни, унда олди-сотди (транзакциялар) ни амалга оширишини ифодалаш учун қўлланилади. У компьютер тармоғидан фойдаланган ҳолда харид қилиш, сотиш, сервис хизмати кўрсатишни амалга ошириш, маркетинг тадбирларини ўтказиш имкониятини таъминлайди.

Халқаро амалиётда Интернет тармоғида деярли барча соҳалардаги хўжалик юртувчи субъектлар ўртасида ишчан муносабатларни амалга ошириш, аҳолининг кенг қатламларига Интернет тармоғи орқали товарларни сотиш ҳамда истеъмолчилар ўртасида товарлар ва хизматлар билан тармоғда алмашишга хизмат қилувчи олди-сотди турлари энг кенг тарқалган ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, булар Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сон “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида” ги ва 2007 йил 12 июндаги 120-сон “Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни амалга оширишни янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорларидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 21 майдаги 102-сон “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қарорига мувофиқ электрон тижорат тизими транзакцияларда олинган кўчирма (электрон чеклар) ни банк терминаллари чекларига тенглаштириш назарда тутилган. Юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича тўловларни амалга ошириш ва солиққа тортиш тартиби электрон тижорат тизими орқали юридик шахслар томонидан товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш жараёнида қўлланилади. Бу, ўз навбатида, тижорат чакана тўлов тизимининг субъектлари, яъни

иштрокчилари доирасини аниқ белгилаш, амалга оширилаётган транзакцияларни ҳисобини юритиш ва назорат қилишни таъминлаш, электрон тижорат ва электрон рақамли имзо тизими фойдаланувчилар сонини оширишга хизмат қилади[69].


Давлат бошқарувида АКТ дан фойдаланиш ҳукуматнинг фуқоролар ва тижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилашга ҳамда давлат органларининг фаолияти самарадорлигини оширишга кенг имкониятлар беради. Шу мақсадда мамлакатимиз ҳукумати томонидан давлат бошқарувида АКТ ни ривожлантириш ва жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникацион технологияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПК-117 – сонли қарори билан янада “2010 йилгача маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш дастури” тасдиқланган. Ушбу директив ҳужжатга биноан барча вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат бошқарув органлари ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат тизимини жорий этиш, Интернет тармоғидаги ахборот ресурсларини шакллантириш ва доимий янгилаб туриш бўйича ишларни бошлаб юборадилар. Қабул қилинган умумий стандартлари бўйича тўлиқ ҳажмдаги ахборотларни етказиб берувчи асосий ресурслар бўлиб Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали (www.gov.uz) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати сайти (www.press.service.uz) ҳисобланади. Ушбу сайтларда Президент ва давлат ҳукумати томонидан қабул қилинган деярли барча ҳужжатлар тезкор равишда чоп этилади.

Электрон пул ўтказиш тизими дастурини ишлаш жараёни


Электрон пул утказмаларини ишлаш жараёнини куйидаги мисолларда куриб чиқамиз:

Дастурни ишга тушириш ва тугатиш.


Дастурни ишга туширишда дастлаб монитор экрандаги юкори унғ бурчагида жойлашган пиктограммага сичконча тугмасини босиш керак.




Ушбу амал бажарилгач экранда хосил булган ойнадан «Подключение» булимига босилади ва бир оз кутилади. Ушбу амал бажарилгач экраннинг куйи унғ бурчагида тизимга уланилганлик белгиси хосил булади.




Биринчи амал бажарилгач иккинчи амал бажарилишда монитор экранндаги юкори унг бурчагида жойлашган 2-пиктограммага сичконча тугмасини икки маротаба босилади ва экраннинг унг куйи бурчагида расмда курсатилган тарзда белги ишга туширилади ва электрон ракамли имзо компьютерга киритилади. Хосил булган ойнадан узингизга керакли булган оператор ёки назоратчи электрон имзо раками танланилади ва «Войти в СМ» булимига сичконча тугмаси сунгра суров ойнасидан «ДА» тугмасига босилади. Бир оз кутилган танланган электрон имзо яшил холатга келгач «Скрыть» тугмасига босилади[71].




Иккинчи амал бажарилгач учинчи амал бажарилишда монитор экранндаги юкори унг бурчагида жойлашган 3-пиктограммага сичконча тугмасини икки маротаба босилади. Хосил булган ойнадаги «Пользователь» ёзуви тугрисида фойдаланувчи логини «Пароль» булимига керакли пароль киритилиб «Вход в систему» тугмаси босилади.



Юкоридаги амаллар бажарилгач экранда куйидаги ойна хосил булади.
Ушбуга электрон имзо пароли киритилади ва «ОК» тугмаси босилади.



Юкоридаги амаллар бажарилгач экранда куйидаги дастур ишга тушади.
Шу тарзда дастурда ишлашга тайёр хисобланилади.



1. Дастур ишини яқунлашда дастлаб Интернет Эхсплорер дастури ёпилади.
2. Сунгра Smclient дастури очилиб ундан выгрузить амали бажарилади ҳамда компьютердан
3. Электрон ракамли имзо чикариб олинади.
4. Дастлаб ишга туширилган «ЭДП» канали ишга туширилиб ундан Отключит амали бажарилади.

Узбекистон Республикасида электрон пул утказмаларига қуйидаги мисолларни курсатишимиз мумкин:

Электрон пул ўтказмаларни ишлатиш давомида қуйидаги қўлланма ва коидалардан фойдаланилади:

Автоматлаштирилган иш ўринларида пул ўтказмаларини қабул қилиш ва топшириш бўйича электрон пул ўтказмалари хизматини кўрсатиш.

Мазкур қоидада Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида» ва «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари, ҳамда «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва «Почта қоидаси» меъёрий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган ва у ҳудудий (вилоят) почта алоқа корхоналари, почта алоқа тармоқлари, почтаamt, алоқа бўлимлари (почта алоқа объектлари) нинг мумала залларидаги автоматлаштирилган иш ўринларида электрон пул ўтказмалари(ЭПЎ) ни қабул қилиш, ишлаб чиқиш, жўнатиш ва тўлашнинг ягона тартибини жорий қилади[65].

Мазкур қоидада қуйидаги терминлар аниқликлар ишлатилган:

Электрон пул ўтказмалари (ЭПЎ) тизимидаги автоматлаштирилган иш ўрни: Электрон пул ўтказмалари (ЭПЎ) тизими фойдаланувчисининг Электрон пул ўтказмалари (ЭПЎ) тизимига кириш ва электрон пул ўтказмалари билан амаллар бажариш имконини берадиган программалаштирилган техник воситалар билан жиҳозланган иш ўрни.

- **Муомала жойи(Операционное окно):** почта алоқа объектларидаги электрон пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўлаш бўйича иш ўрни.
- **Муомала куни(Операционный день):** электрон пул ўтказмалари тизими фойдаланувчиларининг пул ўтказмалари билан амаллар бажариш мумкин бўлган иш вақти.
- **Электрон пул ўтказмалари билан амаллар:** электрон пул ўтказмалари тизимидан фойдаланиб пул ўтказмаларини киритиш, жўнатиш ва тўлаш имконини берадиган амаллар.
- **Электрон пул ўтказмалари тизимидан фойдаланувчи:** Почта алоқа объектининг Электрон пул ўтказмалари тизимида ишлаш ҳуқуқи берилган ва зиммасига маълум бир вазифани бажариш юклатилган ходим.

- **Электрон пул ўтказмалари хизматидан фойдаланувчи(жўнатувчи, олувчи):** электрон пул ўтказмалари хизматидан фойдаланувчи жисмоний шахс.
- **Электрон пул ўтказмалари тизими:** Тизим фойдаланувчилари томонидан пул ўтказмалари бўйича маълумотларни киритиш, сақлаш, узатиш ва программалаштирилган, техник воситалар ва телекоммуникация комплексидан фойдаланиб талаб қилинганда маълумот тақдим этиш учун мўлжалланган тизим.
- **Электрон пул ўтказмалари хизмати:** Электрон пул ўтказмалари тизими ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб пул маблағларини жўнатиш бўйича фаолият.
- **Электрон пул ўтказмаларининг «қулдан қўлга» хизмати:** Электрон пул ўтказмалари тизимига уланган почта алоқаси объектлари (ҳудудий почта алоқа корхоналари, почта алоқа тармоқлари, почтаamt, алоқа бўлимлари)нинг мумала залларидаги автоматлаш-тирилган иш ўринларида жисмоний шахслардан пул ўтказмаларини қабул қилиш ва жўнатилган жой муомала залидаги автоматлаш-тирилган иш ўринларида пул ўтказмаларини тўлаш.
- **Электрон пул ўтказмалари Маркази (ЭПЎ Маркази):** Программалар ва техник воситалардан фойдаланиб электрон пул ўтказмалари хизматлари кўрсатишда маълумотларни қабул қилиш, ишлаб чиқиш, сақлаш ва узатиш фаолиятини юритадиган таркибий бирлик.

Умумий қоидалар

Мазкур қоида Электрон пул ўтказмаларининг «қулдан қўлга» хизмати кўрсатиш бўйича талабларни белгилайди ва фақат жисмоний шахслардан қабул қилинган ички пул ўтказмаларига алоқадордир.

Электрон пул ўтказмаларининг «қулдан қўлга» хизмати Электрон пул ўтказмалари тизимига уланган почта алоқаси объектлари операторларининг автоматлаштирилган иш ўринларида кўрсатилади.

Мазкур хужжат талаблари фақат Электрон пул ўтказмалари тизимига уланган почта алоқаси объектларига дахлдордир.

Электрон пул ўтказмалари тизимига уланган почта алоқаси объектлари муомала залларида ЭПЎ хизматидан фойдаланувчилар учун ЭПЎ тизимида пул ўтказмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва тўлаш, шунингдек тарифлар ва ЭПЎ қабул қилинадиган йўналишлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар тақдим этилиши керак.

Электрон пул ўтказмалари тизими орқали жўнатилаётган пул ўтказмалари бўйича ҳисоботлар «Почта қоидалари» ва бошқа меъёрий хужжатлар томонидан ўрнатилган тартиб асосида тузилади.

Электрон пул ўтказмалари тизими фойдаланувчиларига талаблар

Электрон пул ўтказмалари (ЭПЎ) ни қабул қилиш ва жўнатиш хизмати махсус билимга эга бўлган ва малакалари талабга жавоб берадиган ходимлар томонидан кўрсатилади.

ЭПЎ тизимига уланган ва ЭПЎ хизматини кўрсатувчи почта алоқаси тармоғи (Почтаamt) да уч нафардан кам бўлмаган ЭПЎ фойдаланувчиси оператор, назоратчи ва ҳисобчи бўлиши керак.

ЭПЎ фойдаланувчилари «Электрон пул ўтказмалари тизими эксплуатацияси бўйича фойдаланувчилар қўлланмаси» га амал қилишлари шарт.

ЭПЎ тизими операторининг мажбуриятлари:

- Белгиланган иш ўринларида жисмоний шахслардан пул ўтказмаларини қабул қилиш ва ЭПЎ тизимига киритиш.

- Белгиланган иш жойларида ЭПЎ тизими орқали келган пул ўтказмаларини олувчига бериш.

- ЭПЎ хизматлари кўрсатилган ҳолларда қабул қилинган ва тўланган пул ўтказмалари бўйича касса маълумотномасини тузиш.

ЭПЎ тизимида назорат қилувчи шахс мажбуриятлари:

- ЭПЎ тизими бўйича оператор қабул қилган пул ўтказмасининг тўғрилигини назорат қилиш.

- Операторнинг касса маълумотномасини назорат қилиш.

- ЭПЎ Марказига ЭПЎ тизимида тўғри қабул қилинган пул ўтказмаларини жўнатиш.

- Почта алоқа тармоғи(Почтамт)да ЭПЎ тизимида қабул қилинган ва тўланган пул ўтказмалари ҳолати бўйича мониторинг ўтказиш.

- Оператор томонидан пул ўтказмаларининг тўғри тўланишини назорат қилиш.

- Иш куни бошига ва иш куни охирига солиштирув ўтказиш.

Ҳисобчининг мажбуриятлари:

- ЭПЎ хизмати кўрсатишда почта алоқа тармоғи(Почтамт) бўйича пул маблағларинг тушиши ва уларни тўланишини назорат қилиш.

- Почта алоқа тармоғи(Почтамт) бўйича пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўлаш бўйича ҳисоботларни назорат қилиш.

ЭПЎ фойдаланувчилари бўлган оператор, назоратчи ва ҳисобчи почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқа тармоғи бошлиғи буйруғи билан тайинланади.

ЭПЎ тизими фойдаланувчилари ЭПЎ тизимига ЭПЎ Маркази администратори томонидан уларга тегишли вазифалар юклатилган ҳолда киритилади.

ЭПЎ тизими фойдаланувчилари ЭПЎ тизимига киритилаётганда уларга шахсий логин (фойдаланувчининг исми) ва парол берилади. ЭПЎ тизими фойдаланувчисига логин ЭПЎ Маркази томонидан берилди, ЭПЎ тизимига кириш пароли фойдаланувчи томонидан мустақил белгиланади.

Хар бир ЭПЎ тизими фойдаланувчиси ўзига тегишли логин ва паролни сақланишини таъминлашлари ва уларнинг бошқа шахслар қўлига тушишига йўл қўймасликлари керак.

ЭПЎ фойдаланувчиси паролни ёдидан чиқарган ҳолатда паролни аниқлаш ёки алмаштириш учун зудлик билан ЭПЎ Марказига хабар бериши керак. Агар ЭПЎ фойдаланувчиси пароли бошқа шахсга маълум бўлиб қолган тақдирда ЭПЎ фойдаланувчиси дарҳол паролни алмаштириши керак.

ЭПЎ фойдаланувчиси энг камида ойига бир марта ўз паролини ўзгартириб туриши керак. Бу талаб ЭПЎ Маркази томонидан назорат қилиб борилади.

ЭПЎ фойдаланувчиси ишдан бўшатиладиганда, бошқа лавозимга тайинланганда, бошқа вазифага ўтган ҳолларда уни ЭПЎ тизими-дан чиқариш ва янги ҳолимни тизимга киритиш учун почта алоқа тармоғи(Почтамт) бу ҳақда ЭПЎ Марказига хабар бериши керак.

«Қўлдан қўлга» хизмати билан электрон пул ўтказмаларини жўнатиш

ЭПЎ «Қўлдан қўлга» хизмати билан пул ўтказмалари фақат жисмоний шахслар манзилига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қабул қилинади.

ЭПЎ «Қўлдан қўлга» хизмати билан ЭПЎ Маркази томонидан белгиланган рўйхатга асосан фақат ЭПЎ тизимига уланган шаҳар ва аҳоли масканларига қабул қилинади.

«Қўлдан қўлга» ЭПЎ лари « почта алоқаси корхонаси муомила залида топширилсин» ёки «Аввалдан хабар қилиниб почта алоқаси корхонаси муомила залида топширилсин» хизмати билан қабул қилиниши керак.

«Қўлдан қўлга» хизмати билан жўнатиладиган пул ўтказмалари «Топширилганлиги, ҳақидаги билдиришнома» қўшимча хизмати билан қабул қилиниши мумкин. Бу хизмат кўрсатилган тақдирда мижозга пул ўтказмаси топширилгач жўнатувчига почта орқали билдиришнома (уведомление) жўнатилади.

Халқаро пул ўтказмалари, ҳуқуқий шахслар томонидан юборилаётган пул ўтказмалари, «Уйга элтиб бериш» хизмати билан жўнатилган пул ўтказмалари, «Хизматга доир» белгили пул ўтказмалари, ҳуқуқий шахслар, харбий қисмлар ва абонент қутиларига юборилаётган пул ўтказмалари ЭПЎ тизими орқали жўнатиш учун қабул қилинмайди.

Электрон пул ўтказмалари тизими бўйича пул ўтказмаларини қабул қилиш, жўнатиш, қайта ишлаш ва топшириш бўйича почта алоқа тармоқ (Почтамт) ларининг иш тартиби

ЭПЎ тизими бўйича пул ўтказмаларини «Қўлдан қўлга» хизмати билан қабул қилиш, жўнатиш, қайта ишлаш ва топшириш почта алоқа тармоқ (Почтамт) ларида ҳар куни соат 8-00 дан 20-00 гача бўлган вақт оралиғида иш куни мобайнида амалга оширилиши керак.

ЭПЎ тизимига уланган ҳар бир почта алоқа тармоқ (Почтамт) лари учун иш кунини очиш ва иш кунини ёпиш марказлашган ҳолда ЭПЎ Маркази томонидан амалга оширилади. Иш кунини очиш соат 7-50 да бошланади ва соат 20-10 да ёпилади.

ЭПЎ тизимига уланган ҳар бир почта алоқа тармоқ (Почтамт)нинг назорат қилувчи шахси соат 8-00 да ЭПЎ тизимига кириши, ЭПЎ Маркази томонидан иш кунини очилганлигига амин бўлиши ва шундан кейин «кун бошига солиштириш» амалини бажариши керак.

Агар «кун бошига солиштириш» амали бажарилмаса мазкур почта алоқа тармоғи(Почтамт) учун ЭПЎ тизими бўйича пул ўтказмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва топшириш мумкин бўлмайди.

Шунингдек назорат қилувчи шахс ЭПЎ тизимига киритиш ва ва ЭПЎ Марказига жўнатишга рухсат берилганлигини текшириб кўриши керак, агар рухсат берилмаган бўлса, «ЭПЎ га киритишга рухсат» ва « Марказга жўнатишга рухсат» амалларини бажариши керак.

Оператор пул ўтказмаларини қабул қилиш ва топшириш ишларинини назорат қилувчи шахс «кун бошига солиштириш» амалини бажаргандан сўнг бошлайди.

Келаётган пул жўнатмаларини тушиши учун «Марказдан қабул қилиш» амали электрон пул ўтказмалари тизими орқали автоматик равишда амалга оширилади.

Иш куни охирида ЭПЎ тизимига уланган хар бир почта алоқа тармоқ (Почтамт) да назорат қилувчи шахс «Марказдан қабул қилиш» ва «кун охирига мажбурий солиштириш» амалини бажариши керак Назорат қилувчи шахс томонидан «кун охирига солиштириш» амалини бажарилгандан кейин мазкур почта алоқа тармоғи(Почтамт) учун пул ўтказмаларини қабул қилиш мумкин бўлмайди.

Соат 20-00 дан бошлаб ЭПЎ Маркази администратори барча почта алоқаси объектлари учун « Иш куни ёпиш» амали»ни бажарилади.

Оператор томонидан Иш куни учун ЭПЎ тизими бўйича касса маълумотномаси назорат қилувчи шахс «кун охирига солиштириш» ёки ЭПЎ Маркази администратори томонидан « кун охирига мажбурий солиштириш» ва « Иш куни ёпиш» амаллари бажарилгандан сўнггина тузилади.

«Қўлдан қўлга» электрон пул ўтказмаларини қабул қилиш, ишлаб чиқиш ва жўнатиш

«Қўлдан қўлга» хизмати билан электрон пул ўтказмаларини қабул қилиш почта алоқа тармоғи (Почтамт) муомила залида иш куни мобайнида амалга оширилади.

Электрон пул ўтказмалари (ЭПЎ) тизими орқали пул ўтказмасини жўнатиш учун жўнатувчи ш.114е ЭПЎ бланкасини тўлдириши керак. Белгиланган шаклда бўлмаган бланкаларда ЭПЎ қабул қилиш тақиқланади.

Ш.114е бланкасида жўнатувчи:

- ЭПЎ хизмати тури- «муомила залида тўлансин» ва «аввалдан хабардор қилинган ҳолда муомила залида тўлансин»

- Электрон пул ўтказмасининг тури « якка тартибдаги пул унатмаси» ёки «алимент».

- Мижозга пул ўтказмаси топширилгач жўнатувчига почта орқали билдиришнома (уведомление)жўнатилиши учун «Топширилганлиги ҳақидаги билдиришнома» қўшимча хизмати фойдаланилган тақдирда бу ҳақда белги қўйиш.

- Электрон пул ўтказмаси олувчининг тўлиқ исми шарифи, почта манзили., телефон рақами(Агар бўлса).

- Ўзининг тўлиқ исми шарифи, почта манзили., телефон рақами(Агар бўлса).

- Пул ўтказмасининг суммасм рақам ва сўз билан..

Жўнатувчи ш.114е бланкасининг белгиланган жойига имзо қўйиши керак. ЭПЎ жўнатишда жўнатувчи ш.114е бланкасига хабарнома ёзиши мумкин ва бу хабарнома пул ўтказмаси билан бирга олувчига топширилади. Хабарнома 100 тадан ортиқ бўлмаган ҳарф ва белгилардан иборат бўлиши керак.Бу хабарнома учун жўнатувчидан хизмат ҳақи олинмайди. Ш.114Е бланкасида тузатишлар, бўяшлар йўл қўйилмайди.

Оператор жўнатувчида ш114е бланкасини текшириб олгач, мижоздан пулни санаб олади. Шундан кейин оператор ЭПЎ тизимига киради ва пул ўтказмаси маълумотларини ЭПЎ тизимига киритади. Оператор томонидан ЭПЎ тизимига киритилаётган пул ўтказмаси маълумотлари ш.114е бланкасидаги маълумотларга тўғри келиши керак.

Ш.114е бланкасидаги ва ЭПЎ тизимидаги матн рус тилида кирил ҳарфлари ёки ўзбек тилида лотин ҳарфлари билан, рақамлар араб рақамларида бўлиши керак.

ЭПЎ хизмати кўрсатишда жўнатувчига ш.5 дафтаридан чипта ёзиб берилади. ЭПЎ учун алоҳида ш.5 дафтари юритилиши керак.

Автоматлаштирилмаган иш ўринларида ЭПЎ хизмати кўрсатилганда ш.5 дафтари чиптаси ва ш.114е бланкаси қўлда рамиёлаштирилади. Чиптага ва ш.114е га ёзиладиган маълумотлар ЭПЎ тизимига киритилган маълумотларга тўғри келиши керак.

ЭПЎ қабул қилинганлигига ш.5 лафтаридан чипта ёзиб берилади. Оператор чиптада ЭПЎ тизимига киритилган пул ўтказмаси тартиб рақамига тўғри келадиган пул ўтказмасининг тартиб рақамини, шунинг «махсус белгилар» деган жойга пул ўтказмасининг тури «Электрон» деб кўрсатади. Чипта жўнатувчига берилади ва унинг нусхаси пул ўтказмаси қабул қилинган почта алоқа тармоғи (почтам) да қолади.

Пул ўтказмаси ЭПЎ тизимига киритилгач оператор ш.114е бланкасининг унги томонидаги белгиланган жойга

- Пул ўтказмасининг қабул қилинган санаси ва вақти,
- Пул ўтказмасининг тартиб рақамини,
- Пул ўтказмасининг суммасини,
- Пул ўтказмасини жўнатиш учун тариф йиғимини,
- ҚҚС суммасини,
- Қабул қилинган пул ўтказмасининг умумий суммасини,
- Пул ўтказмасини қабул қилган операторнинг фамилиясини кўрсатиб кўяди.

Оператор ш.114е бланкасига имзо кўяди

Қабул қилинган пул ўтказмаси оператор томонидан ЭПЎ тизимига киритилгандан кейин 15 дақиқагача бўлган вақт оралиғида назоратчи қилувчи шахс пул ўтказмасининг тўғри қабул қилинганини текшириб кўриши керак.

Нazorатчи текширишда қуйидагиларга аҳамият бериши керак:

- ЭПЎ тизимига киритилган пул ўтказмаси маълумотларини ш.114е бланкасидаги маълумотлар билан солиштириш,
- Ш.114е бланкаси ва чиптани тўғри тўлдирилганлиги, жўнатувчи ва операторнинг имзолари мавжудлиги,
- Пул ўтказмаси бўйича пул маблағларининг тўғри ҳисоблангани.

Қабул қилинган пул ўтказмасининг ЭПЎ тизимига тўғри киритилганлигига ишонч ҳосил қилган назоратчи «пул ўтказмасини

тасдиқлаш» ва « Марказга жўнатиш» амалларини бажаради. Ш.5 чиптаси нухасининг бўш жойига «№ - дан №- гача текширдим ва қабул қилдим» деб белги қўяди. Ҳар бир текширилган ш.114е бланкасига назоратчи тақвимли муҳр босади.

Агар пул ўтказмаси оператор томонидан нотўғри киритилган бўлса (ЭПЎ тизимида киритилган пул ўтказмаси маълумотларини ш.114е бланкасидаги маълумотларига тўғри келмаса) назоратчи мазкур пул ўтказмаси бўйича «қайта ишлаш (на доработку)» амалини бажаради ва «ўзгартириш» амали орқали пул ўтказмасига тузатиш киритади, шундан кейин пул ўтказмаси ЭПЎ Марказига юборилади. Оператор томонидан ЭПЎ тизимида нотўғри киритилган пул ўтказмаси « корректив қилинган» ҳолатида сақланади.

Электрон пул ўтказмаларини қайтариш.

Агар бир ой мобайнида пул ўтказмасини тўлашни имкони бўлмаса, оператор назоратчининг рухсати билан тўланмаслик сабабини кўрсатиб ЭПЎ тизимида пул ўтказмасини қайтариш амалини бажариши керак.

Пул ўтказмасини жўнатган почта алоқа тармоғи(почтамт)да қайтарилган пул ўтказмасини қабул қилиб олинган телефон рақами орқали қўнғироқ қилиб ёки кўрсатилган манзил бўйича ш.22 билдиришномаси орқали жўнатувчини пул ўтказмасини қайтарилганлиги ҳақида хабардор қилади. Пулни қайтариш муомила залида жўнатувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган, шахсан унга тўлаш орқали амалга оширилади. Пулни қайтаришда оператор ЭПЎ тизимидан принтер орқали ш.115е бланкасини чиқарилади. Пулни олиш учун жўнатувчи ш.115е бланкасига тақдим этилган ҳужжат маълумотларини кўрсатиб, пулни олганлиги ҳақида чекади. Оператор жўнатувчи томонидан тўлдирилган ш.115е бланкасини текшириб олган, унга зарур суммани тўлайди, ЭПЎ тизимида эса жўнатувчи томонидан тақдим этилган ҳужжат маълумотлари киритилади ва «қайтарилган» амали бажарилади. Тўлдирилган ш.115е бланкасига оператор

«қайтарилган» белгисини қўйиб, имзо чекади ва тақвимли мухр босиб назоратчига топширади.

Назоратчи:

- қайтарилган пул ўтказмаси суммасининг тўғри қайтарилгани,
- ш.115е бланкасини тўғри тўлдирилганлиги ва унда жўнатувчининг имзоси борлигини, ҳамда пул ўтказмасини қайтарган операторнинг имзоси борлигини текшириб кўради.

Қайтарилган шпул ўтказмасининг текширилган ш.115е бланкасига назорат-гералдли мухр босилади.

Электрон пул ўтказмаларининг назоратини амалга ошириш

Назорат қилувчи шахс:

- оператор томонидан ЭПЎ тизимида пул ўтказмаларини тўғри амалга оширилишини,

- оператор томонидан пул ўтказмаларини тўғри тўланиши,

- ЭПЎ тизими орқали келган пулл ўтказмаларини тўлов муддатларига амал қилиниши устидан назоратни таъминлайди.

Назоратчи томонидан пул ўтказмаларини тўғри амалга оширилишининг назоратини мазкур Қоида асосида амалга оширади.

ЭПЎ тизимига уланган почта алоқаси тармоғи(почтамт)лар ҳисобот ойти тугагач, пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўлаш бўйича ҳужжатларни, яни ш.5 дафтарлари чипталарининг нусхалари ва тўланган пул ўтказмаларининг ш.115е бланкаларини юқори қисмини (Олувчининг паспорт маълумотларисиз) «Почта қоидалари» асосида ўрнатилган тартибга асосан почта пул ўтказмаларини назорат қидиш Маркази (ЦКПП) жўнатишлари керак. Қабул қилинган пул ўтказмаларининг ш.114е бланкалари ва ш.115е бланкаларининг куйи қисми(Олувчининг паспорт маълумотлари) пул ўтказмалари қабул қилинган ва тўланган почта алоқа объектида қолади.

Ш.281 ҳисоботи мъёрий ҳужжатлар талабига асосан тузилиши ва ш.57 рўйхати билан почта пул ўтказмаларини назорат қидиш Маркази (ЦКПП) га жўнатилиши керак.

Почта пул ўтказмаларини назорат қидиш Маркази (ЦКПП) ЭПЎ назоратини «Почта қоидалари» асосида олиб боради.

Почта пул ўтказмаларини назорат қидиш Маркази (ЦКПП):

- ЭПЎ тизимига уланган почта алоқаси тармоқ(почтамт)ларда ЭПЎ қабул қилиниши ва тўланиши ҳолатини ЭПЎ тизимида « пул ўтказмалари мониторинги» амалини бажариш орқали кунлик назоратни олиб боади,

- ЭПЎ тизими фаолияти устидан доимий назоратни ташкило қилади,

- Қабул қилинган ЭПЎ ларини ЭПЎ Марказига ўз вақтида жўнатилмаслик ва келган пул ўтказмаларини муддатида тўланмаслик сабабларини аниқлайди,

- ЭПЎ тизимида пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўлаш бўйича почта алоқаси тармоқ(почтамт)ларда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлайди.

Текшириш натижаларига кўра ЭПЎ Маркази ЭПЎ ни қабул қилиш ва тўлаш бўйича аниқланган камчиликларни аниқлайди, уларни бартараф этиш бўйича почта алоқаси тармоқ(почтамт)ларга кўрсатмалар юборади, ҳамда почта алоқаси тармоқ(почтамт)лар томонидан кўрсатмани бажарилишини назорат қилади.

ЭПЎ Маркази администратори белгиланган муддатларда қуйидаги:

- ЭПЎ тизими бўйича қабул қилинган пул ўтказмалари сони,

- ЭПЎ тизими бўйича келган пул ўтказмалари сони, шулардан тўлангани сони,

- ЭПЎ тизими бўйича нотўғри қабул қилинган пул ўтказмалари сони, шундан коррективка қилинган,

- Қайтарилган пул ўтказмалари сони, шундан жўнатувчига тўлангани,

- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тўланиши тўхтатилган пул ўтказмалари сони,

- ЭПЎ тизими бўйича қабул қилинган ва тўланган пул ўтказмаларини тури (алимент, якка тартибдаги) бўйича ва кўрсатилган хизмат турлари («муомила залида тўлаш», «аввддан хабар бериш орқали муомила залида тўлаш) бўйича сони,

- Қабул қилинган ва тўланган пул ўтказмаларининг суммаси

«Қўлдан қўлга» хизмати билан электрон пул ўтказмалари хизмати учун хизмат ҳақи тўлаш

ЭПЎ ларининг «Қўлдан қўлга» хизмати учун хизмат ҳақи жисмоний шахслар томонидан нақд пул билан тўланади. ЭПЎ ларининг «Қўлдан қўлга» хизмати кўрсатилгани учун жўнатувчидан белгиланган тариф асосида хизмат ҳақи олинади.

«Қўлдан қўлга» хизматли электрон пул ўтказмаларини жўнатиш ва тўлаш муддатлари

«Қўлдан қўлга» хизматли электрон пул ўтказмаларини қабул қилинган почта объектидан ЭПЎ Марказига жўнатиш муддати қабул қилинган вақтдан бошлаб 0.5 соатдан ошмаслиги керак.

ЭПЎ тизимида («муомила залида тўлаш», «аввлдан хабар бериш орқали муомила залида тўлаш) хизмати билан қабул қилинган пул ўтказмаларининг тўлаш муддати қабул қилинган вақтдан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак.

Электрон пул ўтказмалари хизматидан фойдаланувчи ва почта алоқаси объектларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

Электрон пул ўтказмалари хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, унингдек бу хизматларнинг курсатувчи почта алоқаси объектларининг жавобгарлиги «Алоқа тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Почта алоқаси тўғрисида» ги Қонунлар, ҳамда «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари», ва «Почта қоидаси» меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади.

Почта алоқаси объектлари табиий офатлар ёки амалдага қонунчиликларда кўзда тутилган бошқа бирор сабаб билан, шунингдек фойдаланувчининг айби билан (манзил нотўғри кўрсатилган бўлса ва хоказо) ўз олдиларидаги

мажбуриятларини бажара олмаса ёки тўлиқ бажара олмаса фойдаланувчилар олдида моддий жавобгар бўлмайдилар.

ЭПЎ тизимига уланган почта алоқаси объектлари уларнинг айби билан йўқотилган ёки тўланмаган ЭПЎ учун «Почта алоқаси тўғрисида» ги Қонун, ҳамда «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» меъёрий хужжатлари асосида фойдаланувчилар олдида моддий жавобгар бўладилар.

***Электрон пул ўтказмалари ва ишлаб чиқариш хужжатларини
сақлаш муддати ва уларни йўқ қилиш тартиби***

ЭПЎ тизимига киритилган пул ўтказмалари ваулар ҳақидаги маълумотлар ЭПЎ тизими маълумотлар базасида электрон кўринишида сақланади.

ЭПЎ тизимида барча амаллардан ўтказилган «Корректировка қилинган», «тўланган», «қайтарилган ва тўланган» пул ўтказмалари ЭПЎ тизими электрон архивида сақланиши керак. Бу пул ўтказмаларининг сақланиш муддати почта пул ўтказмаларининг сақланиш муддатлари тўғрисидаги меъёрий хужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

ЭПЎ тизимида қабул қилинган ва тўланган пул ўтказмаларининг почта пул ўтказмаларини назорат қидиш Маркази (ЦКПП) га жўнатилган хужжатлари у ерда сақлаш муддатлари тўғрисидаги меъёрий хужжатлар талабларига асосан ўрнатилган муддатларгача сақланиши керак. ЭПЎ тизимида қабул қилинган ва тўланган пул ўтказмаларининг хужжатлари почта алоқа объектларида 5 йилдан кам бўлмаган муддатгача сақланиши керак.

III-БОБ. Ахборот технологиялари ва компьютер коммуникация тизимларини барча соҳаларда қўллаш ва ривожлантириш

Жамиятнинг ахборатлашуви ижтимоий тараққиётнинг асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу инсон фаолиятининг барча соҳаларини интеллектуал меҳнат қуроли сифатида ахборотларни тезкорлик билан йиғиш, қайта ишлаш, жараён, воқеа ва ходисаларни моделлаштириш, уларни таҳлил қилиш имконини берувчи компьютерлаштирилган тизимлар ва бошқа ахборот технологиялари кириб келишини аниқлатади. Ахборот технологиялари ва компьютер коммуникация тизимларини барча соҳаларда қўллаш ҳозирги вақт даври талаби бўлиб қолди. Таълим ва ишлаб чиқариш соҳасини компьютерлаштириш ва шу соҳаларда инфор­мацион технологияларни ривожлантириш ҳақида кўплаб Президентимиз фармонлари ва Олий мажлис қарорлари чиқарилган бўлиб, сўнгги йилларда Республика­мизда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан 2002 йилда Тошкент ахборот технологиялар университети ташкил қилиниб, шу йилдан бошлаб университет, компьютер ва коммуникациялар, радиотелефон ва ахборот тармоқлари, дастурий таъминот ва электрон коммерция соҳасига зарур бўлган мутахассисларни тайёрламоқда. Ушбу ва бошқа олий таълим муассасалари томонидан кўплаб таълим соҳасига тегишли янги дастурлар ва электрон китоблар яратилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таълим соҳасига доир қабул қилинган қонунлар, фармонлар, улар ижросини таъминловчи сар­моялар тизимнинг ҳам моддий–техник базаси, яъни шаклини, ҳам интеллектуал моҳияти, яъни мазмунини, жаҳон андозалари даражасига кўтаришга объектив асос солмоқда. Бугун компьютер техника­сидан таълим муассасаларида нафақат информатика, балки бошқа фанларни ўқитиш, айниқса, электрон дарсликлар асосида кўргазмалар аудиовизуал дарсларни ташкил этишда фойдаланилмоқда. Кутубхоналарда ахборот–коммуникация технологиялари (АКТ) базасида ташкил этилаётган ахборот–ресурс марказларидан самарали

фойдаланиш таълим сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда. Бу борада республикамизнинг турли вилоятларида АКТ ҳафталикларининг ташкил этилиши муҳим тадбирлар сирасига киради[36].

Бу жараёнда нафақат талабалар, балки профессор–ўқитувчилар ҳам АКТ ёрдамида ўз малакасини мунтазам оширмоқда, илмий янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиб, дарсларга пухта тайёрланиш, кўргазмали воситалар ва ўқув материалларидан фойдаланиш учун кенг имкониятларга эга бўлмоқда. Шубҳасиз, янги компьютер синфлари ўқувчиларнинг ўз ижодий салоҳиятини намоён қилишига кўмаклашади. Зеро, ҳар қандай фанни ўқитиш, ўқитганда ҳам самарадор, маҳсулдор ўқитиш бу мутахассис ўқитувчидан ўқитишнинг самарадорлигини оширувчи омиллардан моҳирона фойдалана оладиган ижодкор бўлишни, лозим бўлса ҳатто талабалар психологиясига қараб, психолог вазифасини бажара олишини, ўз фани бўйича чуқур билим ва малакага эга бўлишини, янги ахборот технологияларидан ўз ўрнида фойдалана билишини талаб этади.

Маълумки, электрон шаклдаги ўқув услубий мажмуа (ЭЎУМ) янги дидактик восита саналиб, у орқали талабалар муайян фан юзасидан зарур топшириқларни, мисол ва масалаларни, мустақил иш топшириқларини уйда, ҳеч қандай дарс жадвалисиз ўзига қулай вақтда (дам олиш кунлари, кечки вақтларда) бажаришлари мумкин бўлади.

Айтиш мумкинки, кўпгина мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касб–ҳунар коллежлари битирувчилари мустақил иш топшириқлари қандай бажарилиши ҳақида тўлалигича тушунчага эга эмаслар. Мустақил иш топшириқларини бажаришда ўқув адабиётларидан қай даражада фойдалана олиши, Интернет материаллари, хусусан, Ziyo.net тамоғида жойлаштирилган адабиётлардан, ўқув қўлланмаларидан фойдалана олишлари ҳам бу ўринда муҳим рол ўйнайди.

Юқоридаги каби муаммолар мавжуд шароитларда талабалар учун яратилаётган ЭЎУМлар таркибига қуйидаги талабларни киритишни лозим деб топдик:

–мустақил иш мавзуси билан боғлиқ ўқув материалларни медиатаълим воситалари, қай даражада ёритилаётганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиш;

–фан бўйича ўқув материалларини Интернет тармоғининг қайси электрон манзилларидан топиш мумкинлиги тўғрисида маълумотга эга бўлишлари, яъни электрон манзиллар рўйхатининг мавжудлиги;

–ўрганилаётган фан доирасида республикамизда, қолаверса хорижий давлатларда ташкил этилаётган илмий–амалий анжуманлар, форумлар, турли лойиҳаларнинг ўтказилаётганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиш;

–талабалар мустақил ишлари учун ажратилган мавзуларни мультимедиа воситалари ёрдамида ўрганиш имкониятига эга бўлиш;

–компьютер воситасида мустақил олинган билимларни ўзлаштириш даражасини бевосита ўқитувчи билан мулоқотга кирмасдан аниқлаш имкониятига эга бўлиши ва зарур ҳолларда бу кўрсаткични қониқарли даражага етказа олиш.

1. Электрон пул ўтказмалари тизимининг дастурий таъминотини яратилиши.

Электрон пул ўтказмалари тизимига дастурий таъминот яратишда бир канча дастурлаш тилларидан фойдаланиш мумкин. Булар C++Builder, Denver, JavaScript ва HTML дастурлаш тиллари бўлиб, ҳар бир дастурлаш тилининг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Мен электрон пул ўтказмалари тизимининг дастурий таъминотини яратишда C++Builder дастурлаш тилидан фойдаландим. Чунки жуда қулай ва энг асосийси хавфсизлик жиҳатидан бошқа дастурлаш тилларидан яхшироқ ҳисобланади. C++ дастурлаш тили C оиласига мансуб. C эса ўз навбатида B дастурлаш тилидан келиб чиққан. B дастурлаш тили 1967 йили Мартин Ричардс томонидан яратилган бўлиб, бу дастурлаш тили операцион тизимларни яратишга хизмат қилган. Денис Ритчи эса B тилидан C дастурлаш тилини ажиратиб олиб, уни илк бора 1972 йили Белл лабораториясида ишлатган. Илк бора C дастурлаш тили UNIX операцион тизимида қўлланилаган ҳозирда яратилаётган операцион тизимларнинг асосини C ва C++ дастурлаш тиллари эгаллайди[46].

1983 йилда C дастурлаш тили кенг тарқалганлиги сабабли, уни стандартлаштириш ҳаракати бошланди. Бунинг учун Америка Миллий Стандарт Коммитети (ANSI) қошида X3J11 техник комитет тузилди ва 1989 йилда ушбу стандарт қабул қилинди. Стандартни дунё бўйича кенг тарқатиш мақсадида 1990 йилда ANSI ва Дунё Стандартлари Ташкилоти (ISO) ҳамкорлигида C нинг ANSI/ ISO 9899:1990 стандартини қабул қилишди. Шу сабабли C дастурлаш тилида яратилган дастурлар жуда кам ўзгаришлар ва умуман ўзгаришларсиз кўп компьютер платформаларида ишлайди.

C++ 1980 йиллар бошида Бжарне Строуструп томонидан C дастурлаш тилига асосланган тарзда асос солинди. C++ жуда кўп қўшимчаларни ўз ичига олади, лекин энг асосийси у объектлар билан дастурлаш имконини беради. Дастурларни тез ва сифатли ёзиш ҳозирги куннинг асосий талаби ҳисобланади. Буни таъминлаш учун объектли дастурлаш ғояси илгари

сурилмоқда. Ҳудди 70-йиллардаги каби структурали дастурлаш, дастурларни хаётдаги жисмларни моделлаштирувчи объектлар орқали тузиш дастурлаш соҳасида инқилоб қилди.

C++ функция ва объектларнинг жуда бой кутубхонасига эга. Яъни C++ да дастурлашни ўрганиш икки қисмга бўлинади:

1. C++ ни ўзини ўрганиш;
2. C++ стандарт кутубхонасидаги объект ва функцияларни қўллашни ўрганиш;

C++ дастурлаш тили асосан қуйидагиларга бўлинади[49]:

1. Дастурни ёзиш редактори;
2. C++ тили ва стандарт кутубхоналари;
3. Маълум фазаларидан ўтиши;
4. Дастурни ёзиш ва тахрирлаш;
5. Пропрессор амалларни бажариш;
6. Компилятция;
7. Кутубхоналардаги объект ва функцияларни дастурни боғлаш(link);
8. Ҳотирага юклаш(load);
9. Бажариш(execute);

Borland C++ Builder 6 дастури ўрнатилгандан сўнг Console Wizard(консол)да киритиш ва чиқариш операторларидан фойдаланиб дастурлар тузишимиз мумкин. Бундан ўқув жараёнида фойдаланишимиз самарали натижаларга олиб келади. Консолдан киритиш ва чиқариш операторларидан фойдаланишни ўрганиш орқали ўқувчилар дастур тузиш буйича ўз билим ва кўникмаларини ошириши мумкин бўлади.

Маълумотларни киритиш/чиқариш (Input/Output), улар устида амалларни бажариш ва натижаларни олиш C++ да оқим объектлари орқали бажарилади. Киритиш/чиқаришни C даги каби функциялар билан ҳам амалга оширса бўлади. C++ фалсафасига кўра ҳар бир киритиш/чиқариш жихози (экран, принтер, клавиатура ва х.к.) байтлар оқими билан ишлагандек қабул қилинади. Нормал ҳолатда бу оқимлар экранга ва

клавиатурага уланган бўлади. Бу оқим икки хил : >> ва << кўринишда қабул қилинган. Маълумотларни чиқариш оқими cout << кўринишида ва маълумотларни киритиш cin >> кўринишида ёзилади. cout (console output) ва cin (console input) маъноларини билдиради.

Маълумотларни чиқариш учун cout <<оператори ишлатилади. Бу ерда ўзгарувчи номлари, кўштирноқ ичида исталган сўз ёки гаплар ёзилиши мумкин. Агар натижаси берилаётган ўзгарувчилар бир нечта бўлса уларни алоҳида ҳолатда ёки кетма-кет чиқарилиши мумкин. Маълумотларни киритишда cin сўзидан кейин ўзгарувчиларнинг исмлари келтирилди. Агар улар бир нечта бўлса, ҳар бир ўзгарувчи орасига >> белгиси қўйилади.

Масалаларнинг дастури тузилганда cin буйруғидан фойдаланиб ўзгарувчиларнинг қийматини киритишимиз ва cout буйруғи орқали дастурда ишланган масаланинг натижасини экранга чиқаришимиз мумкин.

Электрон пул ўтказмалари тизими учун яратилган дастурий таъминотнинг дастлабки кўриши қуйидагича:

```
#include <vcl.h>
#pragma hdrstop
//-----
USEFORM("DenPerevod.cpp", Form1);
USEFORM("Main.cpp", Form2);
USEFORM("PerevodForma.cpp", Form3);
USEFORM("InfoOper.cpp", Form4);
//-----
WINAPI WinMain(HINSTANCE, HINSTANCE, LPSTR, int)
{
    try
    {
        Application->Initialize();
        Application->CreateForm(__classid(TForm1), &Form1);
        Application->CreateForm(__classid(TForm2), &Form2);
        Application->CreateForm(__classid(TForm3), &Form3);
        Application->CreateForm(__classid(TForm4), &Form4);
        Application->Run();
    }
    catch (Exception &exception)
```

```
{
    Application->ShowException(&exception);
}
catch (...)
{
    try
    {
        throw Exception("");
    }
    catch (Exception &exception)
    {
        Application->ShowException(&exception);
    }
}
return 0;
}
```

2. Электрон пул ўтказмаларда техник хавфсизлик ва ишни ташкил қилиш

Шахсий компьютерлар билан ишлашда хавфсизлик чорарига қўйиладиган талаблар

ШКда ишлаш учун электр хавфсизлиги бўйича биринчи малака гуруҳига эга бўлган ходимлар йўл қўйилиши зарур.

ШКларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича техник-муҳандислар таркибп электр хавфсизлиги бўйича учинчи малака гуруҳидан паст бўлмаслиги керак. Электр таъминотига уланган ШКни ажраткичлардан сугуриб олиш ёки босма платаларини қўйиш, ажратувчи уланишларни улаш ёки узиш тақиқланади[59].

Механик боғламларни қисмларга ажратиш ва кўриқдан ўтказиш, механизмларни тозалаш ва мойлаш ишлари ШКни тармоқдан узган ҳолда амалга ошириш зарур.

ШКни эксплуатация қилиш учун операторни ток ўтказувчи қурилмаларга, ерга уланиш шиналарига, иситиш батареяларига, сув ўтказиш қувурлари ва ҳ.к.ларга тегиб кетиш эҳтимолини истисно қилувчи иш жойи жиҳозланган бўлиши керак.

ШКни ёқилган ҳолатда қаровсиз қолдирилишига йўл қўйилмайди.

Иш тутаганидан сўнг ШК тармоқдан узилган бўлиши керак.

ШК операторининг иши хавфли ва зарарли меҳнат шароитлари билан боғлиқ ишлар тоифасига тааллуқлидир. Меҳнат жараёнида ШК операторига қўйидаги хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсир кўрсатади:

- жисмоний омиллар:

- а) электромагнит нурланишнинг юқори даражалари;
- б) рентген нурланишнинг юқори даражалари;
- с) ультрабинафша нурланишнинг юқори даражалари;
- д) инфрақизил нурланишнинг юқори даражалари;
- е) электростатик токнинг юқори даражалари;

- ф) иш зонасидаги ҳавонинг чангланишининг юқори даражалари;
- г) иш зонасидаги ҳаво таркибида мусбат аэроионларнинг юқори даражалари;
- п) иш зонасидаги ҳаво таркибида манфий аэроионларнинг паст даражалари;
- ч) иш зонасидаги ҳавонинг паст ёки юқори нисбий намли-ги;
- к) иш зонасидаги ҳавонинг паст ёки юқори ҳаракати;
- ш) шовқиннинг юқори даражаси;
- т) ёритиш юқори ёки паст даражаси;
- п) бевосита ярқирашнинг юқори даражаси;
- о) кўз қамашишнинг юқори даражаси;
- р) равшанликнинг кўриш майдонида нотекис тақсимлани-ши;
- ц) ёрутлик тасвирининг юқори равшанлилиги;
- м) ёруғлик оқими пульсациясининг юқори даражаси;
- з) одам танаси орқали ўгиши мумкин бўлган қисқа тута-шувлар, электр занжирдаги кучланишининг юқори қиймати;

- кимёвий омиллар:

а) иш зонасидаги ҳаво таркибида икки оксидли углерод-нинг, озон, аммиак, фенол, формальдегид ва полихлор бифениллар юқори миқдори;

- психофизиологик омиллар:

ШК оператори, дастурчи, муҳандис ва техник ходим ишла-рига, ШК фойдаланувчисига қуйидаги шахслар рухсат этилади:

- ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6-июндаги 300-сон буйруғига мувофиқ ишга қабул қилинишда мажбурий ёки ШК ишига яроқлилик бўйича йилига бир марта ўтказиладиган тиббий текширувдан ўтганлар;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошланғич йўл-йўриқ кўрсатмаларини олганлар;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича намунали дастурни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган ва корхона раҳбари (иш берувчи) томонидан

КН 45-134да белгиланган тартибда тасдиқланган хастур пўйичс меҳнатнинг хавфсиз усуллари;

электр хавфсизлиги бўйича малака гуруҳларига эга бўлиш билан бир-га билимлар текширувидан ўтганлар;

муайян бир дастурий таъминотдан фойдаланиб ШКда ишлаш-га махсус ўқитилганлар;

муайян иш жойда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтганлар.

Иш бошлаш учун қўйиладиган хавфсиз-лик талаблари

Иш бошлашдан олдин оператор қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

- бет ва қўллар совун билан ювилиб, ип-газламали халат ки-йилади;
- иш жойи кўздан кечирилади ва тартибга солинади;
- иш жойининг ёритилиши соланади, ёруғликнинг етарлилиги-га, экранда шуълаларгошг тушмаслигига, бевосита ёруғлик оқимн-нинг йўқлигига ишонч ҳосил қилинади;
- ускунанинг электр тармогига тўғри уланганлиги текширилади;

ҳимоявий ерга уланиш мавжудлиги ва экран ўтказгичнинг процессор корпусига уланганлигига ишонч ҳосил қилинади:

- экран ва ҳимоявий фильтр юзалари махсус сочиқ бплан артиб тозаланadi;
- - ШК процессори дисководида дискет мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилинади;

- тананинг ноқулай ҳолати ва гавданинг узоқ вақт давом этадиган зўриқишини истисно қилиш мақсадида сгол, стул, оёқ учун таглик, шопитр, ускуна ҳолати, экраннинг бурчак остида эгилганлиги, клавиатура ҳолати текширилади ва зарурият туғилса, иш столи ва кресло, шунингдек, компьютер элементларининг ҳолати эргономика талабларига мувофиқ сошлаш амалга оширилади[59].

ШКни улашда ускуна уланишининг қуйидаги тартибига амал қилиш зарур:

- таъминот блоки уланади;
- четки қурилмалар (принтер, монитор, сканер ва б.) уланади;
- тизим блоки (процессор) уланади.

Қуйидаги ҳолатларда иш бошлаш тақиқланади:

- маълум бир иш жойида меҳнат шароитларини шаҳодатлаш натижалари тўғрисида маълумот бўлмаганда ёки ушбу ускуна параметрларининг (КН 45-154) санитария нормаларига мос келмаслиги тўғрисида маълумот бўлганда;
- "тўлиқ химоя" классидagi химоявий экран фильтри мавжуд бўлмаганида;
- - химоявий филтрининг ерга уланиш ўтказгичи узилган ҳолларида;
- ускунанинг носозлиги аниқланганда;
- ШК қурилмаларининг химоявий ерга уланиши мавжуд бўлмаганида;
- углекислотали ёки кукунли ўт ўчиргич ва биринчи тиббий ёрдам аптекаси мавжуд бўлмаганида;
- ШКни жойлаштиришда гигиеник нормалар бузилганда (иш жойлари бир қаторда жойлаштирилганда - девордан 1 м дан кам бўлган, колонна ҳолда жойлаштирилганда - 1,5 м дан кам бўлган масофада, бир иш жойи учун 6 м² дан кам бўлган майдонда жойлаштирилганда - ШКлар ёнма-ён бир-бирига яқин жойлаштирилади).

Иш вақтига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

Иш вақтида оператор қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

- фақат ўзига топширилган ва унинг асосида йўл-йўриқ олган ишни бажариши;
- бутун иш куни давомида иш жойини батартиб ва озода сақлаши;
- қурилманинг барча вентиляция тирқишларини очиқ ҳолатда сақлаши;

- «сичқон» ташқи қурилмасини фақат махсус гиламча мавжуд-лигида қўллаши;
- маълум бир вақтгача ишни тўхтатиш зарур бўлганда, барча фаол вазифаларни батартиб ёпиши, ёки фаолиятсизлик режимига ўтказиши;
- агар оператор компьютер билан ишлашдаги танаффус вақтида мониторга бевосита (икки метрдан кам) яқин жойлашишга мажбур бўлган ҳолатдагина таъминотдан узиб қўйиши, акс ҳолда таъминотдан узиб қўймаслигига рухсат этилади;
- санитария нормаларини бажариши ҳамда иш ва дам олиш тартибига риоя қилиши;
- эксплуатация қилиш йўриқномаларига мувофиқ ҳисоблаш техникасини эксплуатация қилиш қоидаларига амал қилиши;
- матн кўринишидаги ахборот билан ишлашда ҳаммасидан кўра қора белгиларни оқ фонда кўрсатувчи энг юқори физиологик режимни танлаши;
- ишдаги иш вақти режими билан қатъий белгиланган танаффусларга риоя қилиши ҳамда жисмоний тарбия паузаларида ва жисмоний тарбия дақиқаларида кўз, бўйин, қўл, гавда, оёқ учун тавсия этилган машқларнинг бажарилишига амал қилиши;
- кўздан экрангача бўлган (60-70) см чегарадаги масофанинг сақланишига амал қилиш.
- Иш вақтида операторга қуйидагилар тақиқданади:
- бир вақтнинг ўзида монитор экранига ва клавиатурага тегиш;
- таъминотга уланган тизим блоки (процессор)нинг орқа панелига тегиш;
- қурилманинг устки панелларини қоғозлар ва унга алоқаси йўқ буюмлар билан тўлдириб юбориш;

- органик чангларнинг йиғилишига йўл қўймаслик мақсадида иш жойини қоғозлар билан ивирсиб кетишига йўл қўйиш;
- актив (фаол) вазифани бажариш вақтида таъминотдан узишни амалга ошириш;
- таъминотни тез-тез улашни амалга ошириш, тизим блоки (процессор) нинг устки қисмига, монитор, клавиатуранинг ишчи қисмига;
- дисковод, принтер ва бошқа қурилмаларга нам тегишига йўл қўйиш; ўта совуқ (қиш фаслида кўчадан олиб кирилган) ускуналарни улаш;
- мустақил равишда ускунани очиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
- 4 соатлик иш мобайнида ишлаб чиқиладиган белгиларнинг санок қийматини 40 мингтадан ошириб юбориш.

Иш якунида талаб этиладиган хавфсизлик талаблари

Иш тугаганидан сўнг ходим ҳисоблаш техникаси ўчирилишининг қуйидаги кетма-кетлигига амал қилишга мажбур[59]:

- барча фаол (актив) вазифаларни ёпилишини амалга ошириш;
- қаттиқ диск ҳисобловчи каллақларини (агар каллақларни автомат тарзда тўплаб қўйилши кўзда тутилмаган бўлса) тўплаб қўйишни амалга ошириши;
- дисководларда диск йўқлигига шпонч ҳосил қилиш;
- тизим блоки (процессор)ни таъминотдан узиш;
- барча четки қурилмаларни таъминотдан узиш;
- таъминот блокинни ўчириш

Шахсий компьютерларга қўйиладиган талаблар

ШКнинг визуал эргономик параметрлари хавфсизлик пара-метрларидир, ва уларнинг нотўғри танланиши фойдаланувчи соғлигининг ёмонлашишига сабаб бўлади. ШК визуал параметрлари-нинг иш жойларида назорат қилинадиган, жоиз қийматлари чегараси кўрсатилган.

Барча ШКлар визуал параметрларнинг баҳосини ўз ичига олган гигиеник сертификатга эга бўлиши керак.


ШК тузилиши, унинг дизайни ва эргономик параметрлари-нинг жами эксплуатация қилиш шароитларида акс этувчи ахборот-ларнинг ишончли ва қулай ҳисобланшпини таъминлаши керак. ШК тузилиши берилган ҳолатда маҳкамланиши билан гори-зонтал юзада вертикал ўқ атрофида $\pm 30^\circ$ чегарада ва вертикал юзада горизонтал ўқ атрофида $\pm 30''$ чегарада корпусни буриш йўли билан экранни фронтал кузатиш имкониятини таъминлаши керак. ШК ди-зайни корпуснинг ранги ёруғликни аралаш сочилиши билан кўзни олмайдиган, майин тусда бўлишини кўзда тутиши керак.

Қурилманинг ахборотларни акс эттиришидаги жоиз визуал параметрлари ШК корпуси, клавиатура ва бошқа блоклар ҳамда ШК қурилмалари қайтиш ко-эффиценти 0,4 - 0,6 бўлган бир хил рангдаги жилосиз юзага эга бўлишлари ва шуъла пайдо қилиши мумкин бўлган ялтироқ деталла-ри бўлмаслиги керак. ШК корпусининг олд тарафига бошқариш қисмларини жойлаштириш, белги қўйиш, бирор-бир ёрдамчи ёзув-лар ва белгиланишларни жойлаштириш тавсия этилмайди. Юза қисмида бошқариш қисмларини жойлаштириш зурурати тугилса, улар қопқоқ билан ёпилиши ёки корпус ичига (чўктирилган) жойлашти-рилган бўлиши керак.

ШК тузилиши параметрларни минимал қийматдан максимал қийматгача ростлаш имконини таъминловчи ёруғлик ва контрастни (кескин ўзгаришни) ростловчи дастакларнинг мавжудлигини кўзда тутиш керак.


ШК учун техник ҳужжатида ишлаб чиқиш ёки импорт қилиш вақтида амал қилувчи давлатлараро ва Ўзбекистон Республика-сида тан олинган халқаро стандартларга мос келувчи визуал пара-метрларига (параметрларга қўшимча равишда) талаблар белгиланган бўлиши шарт.

*а. Электрон пул ўтказмалари тизимида ишлаш
жараёнидаги техник хавфсизлик*



ШК атрофида ўзгарувчан электромагнит майдони (ЭММ) электр ташкил қилувчисининг қўлланиладиган ҳимоя чораларига боғлиқ ҳолда тақсимланиши кўрсатилган[62].

*б. Электрон пул ўтказмалари тизимида ишлаш
жараёнидаги техник хавфсизлик*



ШК атрофида ўзгарувчан ЭММ электр ташкил қилувчининг тақсимланиши: а) фильтр бўлмаганда; б) фильтр билан; в) экранлаштирилган монитор билан

Талабларни таъминлаш мақсадида, шунингдек, электромагнит ва электростатик майдондан ҳимояланишда экранлаш филтрларидан, махсус экранлардан ва бошқа аккредитланган лабораторияларда синовдан ўтган ва тегишли гигиеник сертификатга эга бўлган яқка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллашга йўл қўйилади.

ШК тузилиши рентген нурланиши экспозицион дозаси қув-ватини ШК экрани ва корпусидан 0,05 м масофадаги ҳар қандай нуқ-тасида, ростлаш қурилмаларининг ҳар қандай ҳолатларида $7,74 \times 10$ АУкг дан ошиб кетмаслигини таъминлаши керак, бунда эквивалент-лик дозасига мослиги 0,1 мбэр/соат (100 мкР/соат)га тенг.

Видеомониторга қўйиладиган талаблар

- Экран ёруғлигининг нурланиши 100 кд/м² дан кам эмас;
- Нурланувчи нуқтанинг минимал ўлчами - монохром видео-монитор учун 0,4 мм дан кўп эмас ва рангли видеомонитор учун - 0,6 мм дан кўп эмас;
- Экран тасвирининг кескин фарқи - 0,8 дан кам эмас.
- Матнни ишлаб чиқиш режимида позитив кескин фарқи билан ишлашда тасвирнинг регенерация частотаси - 72 Гц дан кам эмас;
- Бир сатрдаги нуқталар сони 640 дан кам эмас;
- Тасвирнинг (0,05-1,0) Гц диапазонидаги паст частотали теб-ранишлари 0,1 мм чегарасида бўлиши керак.

Клавиатура тузилишида қуйидагилар кўзда тутилган бўлиши керак:

Жойидан эркин кўча олиш имконияти билан алоҳида қурилма кўринишида амалга оширилишини; клавиатура юзаси қиялик бурчагининг 5 дан 15" гача бўлган чегарада ўзгартириш имконини яратувчи таянч мосламани; ўрта қатордаги клавишаларнинг баланддиги 30 мм кўп эмаслигини; тез-тез фойдаланиладиган клавишалар марказда, пастда ва ўнг тарафда, камдан-кам фойдаланиладиганлари - юқорида ва чап тараф-да жойлашганлигини; функционал гуруҳдаги клавишаларни ранги, ўлчами, шакли ва жойлаштирилган ўрнининг ажратиб кўрсатилишини; клавишаларнинг минимал ўлчами - 13 мм, оитимали - 15 мм;

- клавишаларнинг марказда чуқурлаштирилганлиги ва орасининг яқинлиги (қадами) (19 ± 1) мм;

- клавишалар орасидаги масофа 3 мм дан кам эмаслигини;
- барча клавишаларнинг бир хил харакати учун босилишига кўрсатиладиган қаршиликнинг минималлиги 0,25 Н ва максималлиги - 1,5 Н дан кўп эмаслигини;
- товушли сигнал даражасини ростлаш ва уни ўчириш имконияти билан клавишаларни ёқилишидаги товушли тескари боғланишини.

Шахсий компьютерлари бўлган хоналарнинг ёритилишга қўйиладиган талаблар

ШК бўлган хоналар табиий ва сунъий ёритилган бўлиши керак[62].

Табиий ёритиш дераза, эшикдан ўтувчи ёруғлик орқали амалга оширилиши ва табиий ёритиш коэффициенти (ТЕК) КМК 2 01.03 га мувофиқ таъминланиши керак.

ШК эксплуатация қилинадиган хоналарнинг сунъий ёритилиши умумий бир маромда ёритувчи тизимида амалга оширилади. Асосан ҳужжатлар билан ишлаш ҳолатларида ишлаб чиқарувчи ва маъмурий-жамоат хоналарида ёритишнинг бир нечта тизимидан фойдаланишга йўл қўйилади (умумий ёритишга қўшимча равишда, ҳужжатлар жойлашган зонани ёритиш учун мулжалланган жоини ёритиш лампалари ўрнатилади).

Стол юзасидаги иш ҳужжатиинг жойлашган зонани ёритиш даражаси (300-500) лк бўлиши керак. Ҳужжатларнинг янада ёритилиши учун жойни ёритиш лампаларини ўрнатишга рухсат этилади. Жойни ёритиш экран юзида шуъла ҳосил қилмаслиги ва экраннинг ёритилиш даражасини 300 лк дан ошмаслиги керак.

Операторлар ва дастурчиларнинг (қоронгу фондаги ерқин белгилар) негатив тасвирларга эга видеомониторлар билан ишлашида умумий ёритиш лампаларидан тушаётган сунъий ёруғлик даражаси қуйидагича бўлиши керак;

- диалог режимида ишлаётганда горизонтал юзадаги ёруғлик даражаси 200 лк дан паст бўлмаслиги;

- бир вақтнинг ўзида видеомонитордан фойдаланиш ва хужжатлар билан ишлашда, шунингдек маълумотларни ШК га кириштишда 500 лк дан паст бўлмаслиги.

Бевосита ёритиш манбаларидан тушувчи шуълаларни чегаралаш зарур, бунда кўриш майдонида жойлашган (дераза, лампа ва бГялтирок юзаларининг ярқираши 200 кд/м* дан куп булмаслиги керак.

Ишчи юзалар (экран, стол, клавиатура ва б.)даги акс этувчи шуълаларни лампа (светильник) турлари ва иш жойларини табиий ва сшгъий ёритиш манбаларига нисбатан тўғри танлаш ҳисобига чегаралаш зарур, бунда ШК экранидаги шуълаларнинг ярқираш даражаси 40 кд/м2 дан ошиб кетмаслиги ва акс этувчи ёритиш тизимидан фойдаланишда шифтнинг ярқираши 200 кд/м2 дан ошиб кетмаслиги керак.

ШК фойдаланувчисининг кўриш майдонидаги ёритишнинг меъёрий тақсимланишини чегаралаш зарур, бунда ишчи юзалардаги ёруғликнинг ўзаро нисбати 3:1 - 5:1 дан, ишчи юзалар ҳамда девор ва ускуна юзалари орасида эса 10:1 дан ошмаслиги керак.

ШКни кенг хоналарга ўрнатишда бевосита тушувчи еритиш даражасини пасайтириш учун кўзғалувчи вертикал тўсиқлардан фойдаланиш зарур, уларнинг баландлиги ишловчининг куз нурини кушни зонадаги фарк килувчи ёруғликдан ҳимоялашни таъминлайди.

Умумий ёритиш ШКни бир қаторда жойлаштирилишида фойдаланувчининг кўриш майдонида параллел равишда, иш жойларидан ён тарафда жойлашган ёриткичларнинг узлуксиз ёки узук-юлуқ чизиқлар кўринишида бажарилиши керак.

Бир жойнинг ёритилиши бевосита стол қопқоғига (столга) ёки унинг вертикал панелига ўрнатилган лампалар (светильниклар) томонидан таъминланади. Агар якка тартибда ёритиш манбаидан фойдаланиш зарурати туғилса, унда у турли томонларга йўналтириш имкониятига эга бўлиши, равшанликни ростлаш учун қурилма билан ҳамда кўзни қамаштиришдан ва

акс шуъладан химояловчи химоя панжараси билан жиҳозланган бўлиши керак.

Бир жойни ёритиш лампалари 40° дан кам бўлмаган химоя бурчагини ташкил этувчи ёруғ ўтказмайдиган қайтаргичга эга бўлигилари керак.

Ёритиш қурилмалари учун умумий ёритишдаги захира коэффициенти (Зк) 1,4 га тенг деб қабул қилиниши керак[62].

Пульсация коэффициенти 5 фоиздан ошиб кетмаслиги керак, бунда барча турдаги лампалар учун юқори частотали ишга туши-ришни ростловчи аппаратлар (ЮЧ ИТРА) билан умумий ва бир жой-ни ёритиш лампаларида газразрядли лампаларнинг қўлланилиши таъминланиши керак. ЮЧ ИТРА билан ёқиладиган лампалар йўқли-гида кўп лампали ёриткичлар лампалари ёки ёнма-ён жойлаштирилган ёритиш ёриткичларини уч фазали тармоқнинг турли фазаларига улаш керак.

Люминесцентли лампалари қўлланилганда ёритиш пульса-цияси 10 фоиздан ошмаслиги керак. Табиий ёритишда табиий нур ва видеоманитор экранининг нурланиши орасидаги бевосита нурланиш даражасини пасайтирувчи қуёшдан химоя воситаларидан фойдаланиш зарур бўлади. Бундай воситалар сифатида металл қопламали плёнкалардан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, деразаларни нш хоналарининг бир томонига жойлаштириш тавсия этилади. Бунда ҳар бир деразада акс этиш коэффициенти 0,5 - 0,7 ни ташкил қилувчи ёруғлик қайтарувчи дарпардалар бўлиши керак.

ШК дан фойдаланиладиган хоналарда ёритилганликнинг нормага келтирилган қийматларини таъминлаш учун дераза ойналари ва ёриткичларни йилига икки марта тозаланиши, ҳамда куйган лампаларни ўз вақтида алмаштириш керак. Статик электр ва нурланишдан химояланишга қўйиладиган талаблар.

ШК бўлган хоналарда статик электр токи ҳосил бўлишини олдини олиш ва ундан химояланишда ҳаво нейтраллагичлари ва нам-лагичларини қўллаш зарур. Хонага ишлов берилишида антистатик материаллардан фойдаланиш

афзал. Пол антистатик қопламага эга бўлиши зарур. Статик электр токидан химояланиш санитария гигиена нормаларига мувофиқ ўтказилиши керак; электростатик майдон кучланишининг жоиз даражаси 1 соат давомида 20 кВ дан ошиб кетмас-лиги зарур (ГОСТ 12.10.45).

ЭСМ (электростатик майдон) нинг ҳосил бўлишини камай-тириш учун фойдаланиладиган қурилманинг металл конструкцияларини ерга улаш зарур.

ШКда ишлайдиган ходимларга статик электр жамланадиган синтетик материаллардан, ипак ва бошқа матолардан тайёрланган кийимларни, шунингдек резинали ёки синтетик тагчармли пойабзал-ларни кийиш тавсия этилмайди.

Электромагнит нурланишлардан, электр майдон таъсиридан химояланиш учун химоя экранидан фойдаланиш зарур.

ШК ишчиларини ЭММ радиочастоталаридан химоялаш учун алюмин, темир металлларидан фойдаланган ҳолда қурилмаларни эк-ранлаш (яхлит, тўрсимон, блоклар бўйича экранлаш) қўлланилиши керак.

ШК ҳосил қиладиган электромагнит майдонининг (ЭММ) жоиз даражалари келтирилган қийматлардан ошиб кетмаслиги керак.

ЭММ нинг таъсирида меҳнатнинг максимал хавфсиз шароитларини таъминлаш мақсадида меҳнат ва дам олиш режимига, штт вақтининг қатъий тартибда белгиланганлигига оқилона амал қилиниши зарур.

Ионламайдиган электромагнит нурланиш параметрларининг жоиз қийматлари келтирилган.

Иш жойларини ташкил этишни замонавий эргономика талаблари асосида амалга ошириш зарур. Иш жиҳозлари (столлар, креслолар ёки стуллар)нинг конструкцияси ишчининг бўйига мос равишда якка тартибда ростлаш ва қулай ҳолатни яратиш имконини таъминлаши зарур. Кўп ишлатиладиган меҳнат буюмлари ва бошқариш қисмлари оптимал иш зонасида жойлашган бўлиши зарур.

Ишларни ўтирган ҳолатда бажариладиган иш жойлари ГОСТ 12.2.032, ГОСТ 22269, ГОСТ 21829 талабларига ва техник эстетика талабларига мос келиши керак. Унинг конструкцияси элементларида меҳнат характери, инсоннинг психологик хусусиятлари ва унинг антропометрик маълумотлари ҳисобга олиниши зарур.

ШК ўрнатилган иш жойлари ёруғлик тушишига нисбатан табиий ёруғлик ён томондан, асосан чап томондан тушадиган қилиб жойлаштирилиши керак.

ШК бор иш жойларини жойлаштириш схемасида видео-мониторлар бор иш столларининг (бир видеомониторнинг орқа томони ва бошқа видеомониторнинг экран юзаси йўналиши) орасидаги масофа 2,0 м дан кам бўлмаслиги ҳисобга олиниши керак, видеомониторлар юзаларининг ён тарафларидаги масофа эса - 1,2 м дан кам бўлмаслиги керак.

Ишлаб чиқаришнинг зарарли омил манбалари бўлган хоналардаги ШК бор иш жойлари ҳаво алмашинуви ташкил этилган изоляцияланган (ҳимояланган) кабиналарда жойлашиши керак.

ШК фойдаланиладиган хоналардаги дераза ўринлари қуйидаги кўринишдаги ростланувчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлишлари керак: дарпардалар, пардалар, ташқи соябонлар ва бош-қалар.

Иш столининг конструкцияси фойдаланилаётган ускуна ишчи юзасида унинг сонини ҳисобга олиб оптимал жойлашишини ва конструктив хусусиятлари (ШК, клавиатура, пюпитр ўлчами ва бошқ.), бажарилаётган ишнинг хусусиятини таъминлаши керак. Бун-да эргономиканинг замонавий талабларга жавоб берувчи тўрли тузил-ишдаги иш столларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Иш стули (кресло)нинг конструкцияси ШКда ишлаётган-да рационал иш ҳолатини ушлаб турилишини, толиқишнинг кучайишини олдини олиш учун бўйин - елка ва орқа атрофидаги мушакларнинг статик кучланишини пасайтириш мақсадида ҳолатни ўзгартириш имконини таъминлаши керак.

Иш стули (кресло) тури ШКдаги ишнинг характери ва давомий-лигига боғлиқ ҳолда, фойдаланувчининг бўйи ҳисобга олиниб танлан-иши керак.

Иш стули (кресло) кўтарилувчан-бурилувчан бўлиши керак ва ўриндик ҳамда суянчиқнинг қиялик бурчаги баландлиги бўйи-ча ростланувчи, шунингдек, ўриндикнинг олд қиррасидан суянчиғигача бўлган масофанинг хар бир параметри мустақил ростлани-ши, енгил амалга оширилиши ва мустаҳкам қотирилиши керак.

Стул (кресло)нинг ўриндиги, суянчиғи ва бошқа элементлари юзалари ярим юмшоқ, сирғалмайдиган, электрланмайдиган ва ҳаво ўтказувчан қопламали, ифлосланишдан енгил тозаланишни таъминлайдиган бўлиши керак.

Видеомонитор экрани фойдаланувчи кўзидан (600-700) мм оптимал масофада жойлашган бўлиши, лекин алифбо - рақамли белги ва рамзларнинг ўлчамлари ҳисобга олинганда 500 ммдан яқин бўлмаслиги керак.

Иш столила оёқ қўйилиши учун бўйига 600 ммдан кам бўл-маган, энига - 500 мм дан кам бўлмаган, чуқурлиги тизза сатҳида -450 мм дан кам бўлмаган ва оёқларнинг узатилган сатҳида - 650 мм дан кам бўлмаган бўшлиқ бўлиши керак.

Иш стули (кресло) кўтарилувчан-бурилувчан бўлиши керак ва ўриндик ҳамда суянчиғи бўйига ва қиялик бурчаги оўйича, шунингдек, ўриндикнинг олд қиррасидан суянчиғигача бўлган масофада ростланиши керак.

- Унинг тузилиши қуйидагиларни таъминлаши керак:
- ўриндик юзасининг эни ва чуқурлиги 400 мм кам бўлмаслиги-ни;
- ўриндик юзасининг олд қирраси юмалоқланган бўлишини;
- ўриндик юзасининг баландлиги (400-550) мм ва қиялик бурча-ги олдинга 15° гача ва орқага 5° гача бўлган доирада ростланишини;

Иш жойи энига 300 мм дан кам бўлмаган. чуқурлиги 400 мм бўлган, баландлиги 150 мм гача бўлган чегарада ростланадиган ва

Ўн икки соатли иш сменасида қатъий белгиланган та-наффуслар ишнинг биринчи саккиз соатида, саккиз соатли иш сме-насидаги танаффуслар сингари белгиланади, ишнинг охирги тўрғ со-ати давомида эса ишнинг тоифаси ва туридан қатъи назар ҳар соат-дан кейин давомийлиги 15 дақиқа қилиб белгиланадн.

Қатъий белгиланган танаффуслар вақтида асабларнинг эмоционал кучайишини, кўз анализаторларининг толиқишини пасай-тириш, гиподинамия ва гипокинезия таъсирини бартараф қилиш, познотоник толиқишнинг кучайишини олдини олиш мақсадида 1-4-иловаларда келтирилган машқларнинг мажмуаси бажарилиши мақ-садга мувофиқдир.

Монотониянинг салбий таъсирини пасайтириш мақсади-да маънога эга матн ва рақамли маълумотлар тадбирларининг алма-шинуви (иш мазмунини ўзгартириш), матнларни таҳрир қилиш ва маълумотлар киритилиши (иш мазмунини ўзгартириш) мақсадга мувофиқ бўлади.

ШК билан ишловчиларда кўз дискомфорти ва бошқа ноқулай субъектив туйғулар юзага келганида санитария-гигиеник, эр-гономика талабларига, меҳнат ва дам олиш режимларига амал қили-нишига қарамасдан, ШК билан иттлаш вақтини чегаралзшга алоҳида ёндашиш керак - дам олиш учун танаффусларнинг давомийлигини тузатиш ёки фаолиятини бошқа ШКдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган фаолшпта алмаштиришни ўтказиш. Юқори даражадаги кучланишни талаб этадиган ШК иш-чиларига қатъий белгиланган танаффуслар вақтида ва иш кунининг сўнгида махсус ускуналанган хоналарда психологик юкланишни енгиллатиш кўрсатилган (психологак юкни енгиллатиш хонаси).

Хулоса.

Мен бу диссертация ишимни яъни электрон пул ўтказмалари тизимини шаҳар ва туман алоқа тармоқларида глобал тармоқ орқали дастурий таъминотни яратишда асосий мақсадим Ўзбекистон Республикасининг турмуш шароитида аҳоли ва давлат органлари ўртасида мулоқот ойнасини янада яхшилаш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва такомиллаштиришдир. Мен бу мақсад учун ҳозирги кунда энг такомиллашган ва ривожланиб келаётган ахборот-коммуникация тизимларидан бири “Электрон тўлов” ни Ўзбекистон шароитида ривожланишини мисол қилдим. Бу йўналиш ҳозирги кунда Ўзбекистонда жуда катта тезлик билан ривожланмоқда. Ҳозирда бу тизим бошқа давлатларда ҳам ривожланмоқда чунки бу тизим мамлакатнинг иқтисодиётини ривожланишига асосий омиллардан бири бўлиб келмоқда.

Мен бу магистирлик ишимда Фарғона почта тизимида ҳам Электрон пул ўтказмалари тизимини янада ривожлантириш мумкинлигини кўрсатмоқчиман. Аммо почта бир муаммо борки ҳозиргача бартараф этилмапти. Айтиб ўтиш жоизки почта шахобчалари турли банк шахобчаларидан икки баровар кўп. Лекин Ўзбекистон Республикасида яшаётган аҳоли банк хизматидан кўпроқ фойдаланишади чунки почта тизимида шундай қулайликлар борлигини ва банк тизимидан кўра анча равижланганлиги тўғрисида эса хабарлари йўқ. Бунга асосий сабаб почта тизими ўз маҳсулотларини кўрсата олмаслигида яъни рекламанинг имкониятларидан кам фойдаланишида деб ўйлайман. Биз қанчалик почта тизимини ривожлантириб автоматлаштирмайлик ҳозирда яъна ахборот технологиялар асрида реклама хизматисиз ривожланишга ва аҳолиги ўз хизматларимизни кўрсатишимизнинг имкони йўқ.

Хулоса қилиб айтганда электрон пул ўтказмалари тизимининг дастурини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишда мен C++Builder дастурлаш тилидан фойдаландим. Биз ёшлар учун жуда қулай ва зарурлигини бу диссертация ишимда кўрсатмоқчи эдим. Илмий жиҳатдан асослайдиган

бўлсам нимага C++Builder дастурлаш тилидан деган саволга жавоб бераман. Биринчидан бошқа дастурий таъминотларга нисбатан қулай, хавфсизлик жиҳатидан жуда юқори кўрсаткичларга эга. Мен бу дастурни яратишдан олдин нима мақсадда ва ҳар бир почта алоқа шаҳобчасида ишлайдиган компьютерларнинг ҳолатини назарда тутиб яратганман. Агар мен JavaScript дастурлаш тилида яратганимда дастурий таъминотимнинг кўриниши янада замонавий ва қулай бўлиши мумкин эди. Бироқ бу дастурлаш тилида ишлайдиган ҳар бир фойдаланувчи бу дастурлаш тилида яратилган дастурий таъминот ҳозирги кундаги web-браузерларига мос тушмаслигини ўйлаши керак ёки ҳамма браузерларда ишлаши учун унга қўшимча JavaScript нинг кичик дастурини яъни утилитаси ўрнатилган бўлиши керак. Шундай муаммоларни ҳисобга олиб ++Builder дастурлаш тилидан фойдаландим. Бу дастурий таъминотим юқорида айтиб ўтганимдек эски электрон пул ўтказмалари тизимида ишлаган дастурга қиёсланиб яратилган.

Илова

```
//-----  
  
#include <vcl.h>  
#pragma hdrstop  
//-----  
USEFORM("DenPerevod.cpp", Form1);  
USEFORM("Main.cpp", Form2);  
USEFORM("PerevodForma.cpp", Form3);  
USEFORM("InfoOper.cpp", Form4);  
//-----  
WINAPI WinMain(HINSTANCE, HINSTANCE, LPSTR, int)  
{  
    try  
    {  
        Application->Initialize();  
        Application->CreateForm(__classid(TForm1), &Form1);  
        Application->CreateForm(__classid(TForm2), &Form2);  
        Application->CreateForm(__classid(TForm3), &Form3);  
        Application->CreateForm(__classid(TForm4), &Form4);  
        Application->Run();  
    }  
    catch (Exception &exception)  
    {  
        Application->ShowException(&exception);  
    }  
    catch (...)  
    {  
        try  
        {  
            throw Exception("");  
        }  
        catch (Exception &exception)  
        {  
            Application->ShowException(&exception);  
        }  
    }  
    return 0;  
}  
//-----  
  
#include <vcl.h>  
#pragma hdrstop
```

```

#include "DenPerevod.h"
#include "Main.h"
//-----
#pragma package(smart_init)
#pragma resource "*.dfm"
TForm1 *Form1;
//-----
__fastcall TForm1::TForm1(TComponent* Owner)
    : TForm(Owner)
{
}
//-----
void __fastcall TForm1::Button1Click(TObject *Sender)
{
if (Edit1->Text == "Sardor" && Edit2->Text == "Karimov")
Form2->Show();
else ShowMessage("Неправильные имя пользователя и пароль!");
}

#include <vcl.h>
#pragma hdrstop

#include "InfoOper.h"
#include "DenPerevod.h"
#include "Main.h"
#include "PerevodForma.h"
//-----
#pragma package(smart_init)
#pragma resource "*.dfm"
TForm4 *Form4;
//-----
__fastcall TForm4::TForm4(TComponent* Owner)
    : TForm(Owner)
{
}

#include <vcl.h>
#pragma hdrstop

#include "Main.h"
#include "DenPerevod.h"
#include "InfoOper.h"
#include "PerevodForma.h"
//-----
#pragma package(smart_init)
#pragma resource "*.dfm"
TForm2 *Form2;

```

```

//-----
__fastcall TForm2::TForm2(TComponent* Owner)
    : TForm(Owner)
{
}
//-----
void __fastcall TForm2::Label21Click(TObject *Sender)
{
Form3->Show();
}
//-----
void __fastcall TForm2::Label10Click(TObject *Sender)
{
Form4->Show();
}
//-----
void __fastcall TForm2::Label19Click(TObject *Sender)
{
Close();
}
//-----
void __fastcall TForm2::FormClose(TObject *Sender, TCloseAction &Action)
{
Form1->Close();
}

#include <vcl.h>
#pragma hdrstop

#include "PerevodForma.h"
#include "DenPerevod.h"
#include "InfoOper.h"
#include "Main.h"
//-----
#pragma package(smart_init)
#pragma resource "*.dfm"
TForm3 *Form3;
//-----
__fastcall TForm3::TForm3(TComponent* Owner)
    : TForm(Owner)
{
}
//-----
void __fastcall TForm3::FormShow(TObject *Sender)

```

```

{
DateTimePicker1->Date = Now();
}
//-----
void __fastcall TForm3::Button1Click(TObject *Sender)
{
AnsiString Date, Nomer, Otkogo, Otprav, Kuda, Summa, Sost;
Date = DateToStr(DateTimePicker1->Date);
Nomer = Edit3->Text;
Otkogo = ComboBox4->Items->Strings[ComboBox4->ItemIndex];
Otprav = Edit8->Text;
Kuda = Edit4->Text;
Summa = Edit13->Text;
Sost = "Введен";
ADOTable1->Last();
ADOTable1->Insert();
ADOTable1->FieldByName("Data")->AsString=Date;
ADOTable1->FieldByName("Nomer")->AsString=Nomer;
ADOTable1->FieldByName("Otkuda")->AsString=Otkogo;
ADOTable1->FieldByName("Otprav")->AsString = Otprav;
ADOTable1->FieldByName("Kuda")->AsString= Kuda;
ADOTable1->FieldByName("Summa")->AsString= Summa;
ADOTable1->FieldByName("Sostoyanie")->AsString= Sost;
ADOTable1->Post();
ShowMessage("Перевод № "+Nomer+" введен");
}
//-----
void __fastcall TForm3::Button2Click(TObject *Sender)
{
Close();
}
//-----
void __fastcall TForm3::BitBtn1Click(TObject *Sender)
{
Form4->Show();
}

```

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш – давр талаби -Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида -Т.: «Ўзбекистон», 1998.
3. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз -Т.: «Ўзбекистон», 1999.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодийимизни барқарор ривожлантириш йўлида -Т.: «Ўзбекистон», 2008.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир -Т.: «Ўзбекистон», 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди -Т.: «Ўзбекистон», 2005.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: «Ўзбекистон», 2009.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-614 қарори.
9. Бегимкулов У.Ш. ва б. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт, монография –Т.:2011.
10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги 29.04.2004 й. N 611-П.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Идоралараро ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори. 10.04.1998 й. N 150.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги 1994 йил 6 май 1060-ХП-сон қонуни.
13. Қосимов С.С. Ахборот технологиялар, Ўқув қўлланма –Т.: 2006.
14. Кнут Д. Э. Искусство программирования - М.: «Аспект Пресс», 2000.
15. Аширова А.И. Ахборот тизимларини лойиҳалаш, фанидан дастурий қобик яратиш ва таълимда фойдаланиш методикаси: -Т.: 2009.
16. Роберт И. Современные информационные технологии в образовании: дидактические проблемы, перспективы использования -М.: «Школа-Пресс», 1994.
17. Мафтик С. Механизмы защиты в сетях ЭВМ - М.: «Мир», 1993.
18. Петренко С.А, Курбатов В.А. Политики информационной безопасности - М.: «ИнфраМ», 2006.
19. Алексеев А.П. Информатика -М.: «ИнфраМ», 2001.
20. Страуструп Б. Язык программирования С++ - М.: «Специальное издание», 2006.
21. Брябрин В.М. Программное обеспечение персональных ЭВМ –М.: «Дело», 1989.
22. Джордейн Р. Справочник программиста персональных компьютеров типа IBM PC, XT и AT -М.: «Дрофа», 1992.
23. Павловская Т.С, Щупак Ю.С. С/С++ Структурное программирование -СПб.: «Питер», 2002.
24. Павловская Т.С, Щупак Ю.С. С++ Объектно-ориентированное программирование -СПб.: «Питер», 2005.
25. Подбельский В.В. Язык С++ -М.: «Аспект Пресс» 2003 .
26. Романчик В.С, Люлькин А.Е. Программирование в С++ BUILDER” - М.: «Дело», 2007.

27. Фигурнов В.Э. IBM PC для пользователя -М.: «ИнфраМ», 1997.
28. Юлдашев У.Ю, Боқиев Р.Р, Зокирова Ф.М. Информатика –Т.: «Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2002.
29. Петренко С.А. Управление информационными рисками -М.: «Компания АйТи; ДМК Пресс», 2004.
30. Шаньгин В.Ф. Защита компьютерной информации. Эффективные методы и средства -М.: «ДМК Пресс», 2008.
31. Щербаков А.Ю. Современная компьютерная безопасность. Теоретические основы. Практические аспекты — М.: 2009.
32. Петров В.А. Информационная безопасность. Защита информации от несанкционированного доступа в автоматизированных системах -М.: «Питер», 1995.
33. Хоффман Л.Дж. Современные методы защиты информации -М.: «Аспект Пресс», 1980.
34. Ўзбекистон Республикасининг «2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш» Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 19 майдаги 128-сон қарори.
35. Ўзбекистон Республикаси «Почта Алоқа объектлари индексациясининг маълумотномаси», -Т.: «Ўзбекистон», 2006.
36. Ўзбекистон Республикаси «Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами» -Т.: «Ўзбекистон» 2008.
37. «Инструкция по учету денежных средств, условных и материальных ценностей и составления отчетности в отделениях связи», -М.: 1976.
38. Глущенко Г.И. Денежные переводы международных трудовых мигрантов: Характеристики и детерминанты -М.: «Дело», 2005.
39. Кушлин В.И. Факторы экономического кризиса и базис его преодоления -М.: «Альпина», 2007.

40. Райзберг Б.А, Лозовский Л.Ш, Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь — М.: «Альпина» 2007.
41. Шамис В.А. Borland C++ Builder 3 - М.: «Инфрам», 2010;
42. Джерод Холлингворс, Дэн Баттерфилд. Боб Свот. C++ Builder 5. Руководство разработчика— М.: «Питер», 2001.
43. Эллис М, Строуструп Б. Справочное руководство по языку C++ с комментариями: Пер. с англ –М.: «Гранд Фаир», 1992.
44. Стенли Б. Липпман. C++ для начинающих–М.: «Дрофа», 1992.
45. Бруно Бабэ. Просто и ясно о Borland C++: Пер. с англ –М.: 1994.
46. Подбельский В.В. Язык C++: Учебное пособие – М.: 1995.
47. Ирэ Пол. Объектно-ориентированное программирование с использованием C++: Пер. с англ –Киев.: «Ось-89», 1995.
48. Фейсон Т. Объектно-ориентированное программирование на Borland C++ 4.5: Пер. с англ –Киев.: «Ювента», 1996.
49. Сван Т. Освоение Borland C++ 4.5: Пер. с англ –К.: 1996.
50. Шилдт Г. Самоучитель C++: Пер. с англ -СПБ.: «Питер», 1998.
51. Севитч У. C++ в примерах: Пер. с англ –М.: «Дрофа», 1997.
52. Джамса К. Учимся программировать на языке C++ –М.: 1997.
53. Складов В.А. Язык C++ и объектно-ориентированное программирование: Справочное издание –Минск.: «Ось-89», 1997.
54. Дейтел Х, Дейтел П. Как программировать на C++: Пер. с англ –М.: «Издательство БИНОМ», 1998.
55. Тюрюканова Е. Денежные переводы мигрантов в российском контексте —М.: «ИнфраМ» 2005.
56. Фоломьев А.Н. Инновационное инвестирование –СПб.: 2001.
57. Каримов С.И. Электрон пул ўтказмалари тизимини ўзбекистонга кириб келиши ва ривожланиши // Ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини самарали бошқариш истиқболлари Республика илмий-техник конференция.–Тошкент, 2014, -№2. –Б.279.

58. Каримов С.И. Электрон пул ўтказмаларида техник хавфсизлиги ва ишини ташкил қилиш // Ўзбекистон Республикаси Президентининг И.А.Каримовнинг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» номли рисоласининг ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти бўйича илмий-семинар –Фарғона, 2014й, -Б. 87.
59. <https://www.egovconference.ddi.uz> (Электрон ҳукумат масалалари бўйича 2010 йилда бўлиб ўтган Халқаро конференциянинг ҳужжатлари берилган сайт)
60. <https://www.lug'at.uz>, <https://www.glossary.uz> (Ахборот коммуникация технологиялари изохли луғати)
61. <https://www.pochta.uz> (Ўзбекистон почтаси асосий портали)
62. <https://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат Хокимияти портали)
63. <https://www.infocom.uz> (Infocom.uz электрон журнали)
64. <https://www.fergana-pochta.uz> («Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали портали)
65. <https://www.Lex.uz> (Ўзбекистон қонун ва буйруқлари нашр этиладиган ҳукумат портали)
66. <https://www.tuit.uz> (Тошкент Ахборот Технологиялари Университети портали)
67. <https://www.dastur.uz> (Компьютер дастурлари ва хабарлар портали)
68. <http://www.intuit.ru> (Университет Информационных Технологий)
69. <http://www.ziyonet.uz>
70. <http://www.wikipedia.org>